



Adabiyot, madaniyat yashasa — millat yashaydi

O'zbekiston adabiyoti va san'ati

1956-yil 4-yanvardan chiqqan boshlagan

ADABIY-BADIIY, MA'NAVIY-MA'RIFIY, IJTIMOY GAZETA

2022-yil 3-iyun / № 19 (4678)

2022 йил — Инсон қадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили



Данғара туманидаги Боғиш маҳалласида яшовчи 63 ёшли Гулнора-хон ая Мирзаеванинг айтишича, ҳали бу қишлоққа бирор марта халқдан ҳол сўраб пойтахтдан махсус меҳмонлар келмаган экан. Бугун эса туманининг чекка қишлоқлари маҳаллалари ҳар қачонгидан-да гавжум. Чунки таниқли санъаткорлар, сўз усталари, шоир ва ёзувчилар, бир сўз билан айтганда, маънавият тарғиботчилари водийда.

ЎЗЛИКНИ АНГЛАШ — САОДАТ

Бугун ҳам тadbир дарагини эшитган одамлар маҳалла-қўйи, қўни-қўшниси, келинлари билан маҳалла гузарига шошилди.

— Тўғриси, биз болалардан, рўзгордан ортиб концерт театр кўргани боролмаймиз. Бу биринчиси. Бугун қишлоғимизга биз телевизор орқали кўрган таниқли актёрлару санъаткорлар кириб келди. Жонли кўрганга етмас экан. Мазза қилиб маданий ҳордиқ чиқардик. Қишлоқдаги онахонларимиз ҳам дам олиб, шеър қўшиқлар эшитсин, деган раҳбарларга катта раҳмат, — дейди Гулнорахон ая.

Ҳа, "Янги Ўзбекистон — инсон қадри улуғланган юрт" шиори остида ўтказилаётган маънавий-маърифий тadbирлар жой-

ларда концерт дастурлари, театрлаштирилган томошалар, ижодий учрашувлар, энг сара кинофильмлар намойиши билан ўтаётгани юртдошларимиз кайфиятига катта таъсир қилмоқда. Бу жиҳат Янги Ўзбекистонни бунёд этиш йўлида амалга оширилаётган улкан ислохотлар, ҳаётимизда бўлаётган ижобий ўзгаришлар инсон тафаккурида ҳам акс садо бераётганидан далолатдир.

Биз ҳам Фарғона вилояти Данғара туманининг ҳар бир маҳалласига ташриф буюриб, хонадонларга кириб, нуроний отахону онахонларнинг дуоларига шерик, ёшларнинг эзгу мақсадларига камарбаста, аёлларнинг ҳол-аҳолини сўраш, кўнглига мадад бўлиш, қалби ўқисқларига умид,

беморларга юпанч беришдек эзгуликка сабабчи бўлди.

Маънавият қарвони жуда файзли учрашувлар, ширин суҳбатлар, маънавий давралар, концерт дастурлари билан ўтаётгани эса юртдошларимизнинг чексиз қувончларига сабаб бўлмоқда.

Биз ижодий гуруҳ билан кўнни, энг аввало, эҳтиёжманд, кам таъминланган аҳоли қатламларидан хабар олишдан бошладик. "Урганжи" МФЙ, Гузарбоши кўчасида истиқомат қилувчи Дилбарой Жумаеванинг файзли ҳовлисига кириб, ўзбек аёлининг кичик томорқасида улкан боғ яратганидан хайратландик. Ҳаммаёқ чинни-чироқ, атиргул, нарғиз гуллар, райхонлар очилиб, ифори димоғни қитқиларди, полизда тарвуз, қовунлар "мени олинг, мазамни тотинг", деб турибди. Шоираи даврон Увайсий момомиз чистонида таърифланган анорлар кўзни яшнатади. Хонадон бекаси

➤ 2

Александр Сергеевич ПУШКИН



Бегона юртларнинг содда мафтунги, Айблар эдим мен ўзни доимо, Дедим: Ватанимдан топгумми уни — Қайда соғлом ақл, қайда бор даҳо? Қани олижаноб қалбли фуқаро, Сурурли, оташин, эркин ва холис? Қани аёл — ҳиссиз эмас, дилрабо, Қани ёндиргувчи гўзал, олов қиз? Самимий суҳбатдош толайин қайдам, Ёркин, маърифатли, қувончли — қайдам? Кимга юкунайин самимий дилдан? Кўнглим қолган эди Ватандан ёмон, Кеча Голицинни учратган замон Муросага келдим Ватаним билан.

Сахройи оталар, маъсум аёллар Кўнглига ғойибдан йўллаб ҳаёлар, Талотўплар аро тутгучи маҳкам Илоҳий дуолар тўқишган бир дам;

Аммо таскин бермас менга ҳеч бири, Гуё тақоридий туюлар бари Руза кундаги руҳоний сўзин, Аммо пичирлайман кўпроқ кундан-кун.

Йиқилганни қўллар ғойибдан бу куч: Ҳаётим меҳвари! Ҳавойи руҳ, пуч Хиёнатдан асра — минг бошли илон; Қуруқ сафсатадан кўнглимни мудом.

Бирок кўрсат, эгам, гуноҳларимни, Укам эшитмайди айтган гапимни, Итоат, сабр бер, меҳру муҳаббат, Тирилтир қалбимда имонимни абад.

ХУМОЮН таржимаси

➤ 2

28-29 май кунлари Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси томонидан ёш ёзувчи, шоир, публицист ва таржимонларнинг республика ёш ижодкорлар аъъанавий Зомин семинарига тайёргарлик кўриш ҳамда уларнинг маҳоратини ошириш мақсадида "Дўрмон баҳори" адабий форуми ташкил этилди.

ЁШЛАР АНЖУМАНИ

Тadbирда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг рус тилида ижод қилувчи аъзолари, Тошкент шаҳри ва вилояти ёш ижодкорлари ҳамда уюшма томонидан ўтказилган ижодий танлов ва семинарлар иштирокчилари қатнашди. Сўзга чиққанлар ўзбек адабиётини рус тили орқали хориж мамлакатларида танитиш ишларига юртимизда яшаб ижод қилаётган русийзабон шоир, ёзувчи ва таржимонлар катта ҳисса қўшувчиси, Михаил Салье, Зоя Туманова, Жавдат Илёсов, Александр Файнберг каби сўз усталари яратган асарлар адабиёт хазинасини бойитгани ва бу борадаги ишларни давом эттирадиган ёшлар тарбиясида ушбу форум муҳим ўрин тутганини таъкидлашди.

— Тошкент адабий муҳитида, ижодкор қайси йўналишда фаолият юритмасин, ўзаро дўстлашиш, фикр ва тажриба алмашиш учун қулай имконият яратилган, — деди Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, шоир Николай Ильин. — Мазкур форум ҳам ёзувчиларнинг ўзаро мулоқоти учун ижодий платформадир.

Тadbир доирасида Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг русийзабон адабиёт ижодий кенгашида кўп йиллардан буён фаолият юртиб келаётган шоир, ёзувчи, адабиётшунос ва драматургларнинг маҳорат дарслари ташкил этилди. Анатолий Бауэр, Раим Фарҳодий, Николай Ильин, Галина Долгая, Алексей Устименко сангари тажрибали ижодкорлар шеърият, наср,

бадий таржима, болалар адабиёти йўналишларида ёшларга сабоқ беришди.

Ўзбекистон Қаҳрамони, Ўзбекистон халқ шоири Эркин Воҳидов хотирасига бағишланган, бир неча тadbирни ўз ичига олган адабий анжуман бўлиб ўтди. Эркин Воҳидов ижод мактаби ўқувчилари, уюшма аъзолари ва шеърят ихлосида бўлди дастлаб "Чигатой" қабристини мадналилар. Шундан сўнг Ўзбекистон Миллий университетидидаги Эркин Воҳидов музейи ташриф буюриб, музей экспонатлари ҳамда университетда амалга оширилган ишлар билан яқиндан танишдилар. Адиблар хиббонида шоир ҳайкали пойига гуллар қўйилди.

Тadbир иштирокчилари Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси тарихи музейида бўлишди. "Буюк юртга энди даҳолар керак" шиори остида ўтган адабий анжуманда сўзга чиққан Ўзбекистон Қаҳрамони, адабиётшунос олим Иброҳим Ғафуров, академик Акмал Саидов, таниқли ижодкорлар Хуршид Дўстмуҳаммад ва Хуршид Даврон атоқли ўзбек шоирининг порлоқ хотираси билан боғлиқ унутилмас воқеаларни ёдга олишди. Эркин Воҳидов ижод мактаби ўқувчилари томонидан суратга олинган мультфильм, жадидчилик ҳаракатига оид саҳна кўринишлари ва ижро этилган куй-қўшиқлар даврага файз киритди.

Шўҳрат АЗИЗОВ

ТАРИХ ВА ТАҚДИР

ТАНИШИНГ: БАҲРОМБЕК — ТАРЖИМОН

XX аср ўзбек зиёлилари орасида ўзига хос билим ва шоирлик истеъдоди билан ажралиб турувчи ижодкорлардан бири Баҳромбек Давлатшоҳ ўғлидир (1873 — 1930). Шоир ва тазкиранавис Неъматулло Мухтарам "Тазкират уш-шуаро" асарида "Таржимон — тил шевасининг андалиби ва сўз бўстонининг ҳазордостони (бўлбули) каттакўрғонлик Баҳромнинг тахаллусидир" дейди ва у "ўзбек жамоасида дунёга келган" ини ўқтиради. Баҳромбекнинг отаси Давлатшоҳ Каримов нўғой туркларидан бўлиб, чор Россия Ўрта Осиёни босиб олишидан аввал эътиқоди туфайли Каттакўрғонга кўчиб келган. Манбаларнинг хабар беришича, отаси Каттакўрғон ҳокими Ёқуббек иноқ томонидан ишга олинган ва асосан тикувчилик касби билан шуғулланган. Ўзбек қизи билан турмуш қуриб бир неча фарзанд кўрган. Каттакўрғон чор ҳокимияти томонидан забт этилган даврларда рус тилини билгани боис таржимонлик қилган ва шаҳарнинг ўзбеклар яшайдиган қисмида оқсоқол мансабига тайинланган. Аммо эътиқоди ва босқинчиларнинг маҳаллий аҳолига салбий муомаласидан ранжиб қаршилик кўрсатган. Шу боис ҳукмдорлар томонидан Сибирга сургун қилинган. Давлатшоҳ Каримов етти йиллик сургундан қайтиб келиб ўзининг сиёсий-ижтимоий ҳуқуқларини тиклаб, чор вакиллари томонидан тортиб олинган мол-мулкни қайтариб олган. Оила тебратилиш учун пудратчилик билан шуғулланган, бироқ иши юришмай бор-будидан ажрагач, мусулмонни комил киши сифатида Макка шаҳрига ҳажга кетган ва бир оз муддат ўша ерда яшаб, сўнг вафот этган.

➤ 5

Сирожиiddин Сидқий таваллудининг 140 йиллиги

Ҳаётнинг машаққати изтиробларига лиммо-лим ҳақиқатларни қоғозга тушириб, авлодларга, айниқса, ёшларга етказмасам бўлмайди. Зеро, ҳозирги тўқислашиб бораётган ҳаётимиз осонликча қўлга киритилган эмас...

Жадид айбномаси туфайли ҳаёти таъқибу қувғинлар остида ўтган шўрлик

ги ҳовлисига мактабдорлик, яъни диний ва дунёвий илмларни тарқатиш билан машғул эди. Ҳазрат домла номи билан танилган бу инсондан билим олиш илинжида Чимкент ва Сайрам томонлардан, водий — Фарғонадан ҳам талабгорлар келиб, устознинг мўъжазгина ҳужра-ларида яшашар, билим олишдан буш

ШОИРНИНГ САФАРИ

ватандошларимизнинг гуноҳлари нима эди? Ўқиб-ўрганайлик, билимдонликда жажонга чиқиб, ҳақ-ҳуқуқларимизни тиклайлик, бутун одам бўлайлик каби одилона даъватлар учун наҳотки отиш, осиш, бадағар қилиш ўринли ва адолатли бўлса?!

Айнан шундай ноҳақ жазолардан қочган шўрлик Сирожиiddин Сидқий эндигона балоғат ёшига етган чоғида жонини сақлаб қолган эди. Сирожиiddин зиёли оилада туғилиб ўсган. Отаси Мирзохид Охунд домла Хондайликда-

пайтларида томорқа ишларида ёрдамлашарди. Бағрикенг устоз ҳеч кимдан ҳақ сўрамасди. Тўрт ўғил ва бир қизининг ўртанчаси Сирожиiddин ўн тўққиз ёшга етгунча шундай саховатпеша хонадонда яшади. Сўнгга Тошкентга отланиб, қолган умрини илм излаш, адолат ва ҳақиқат ортидан қувши, Ватанин озода фаровон қилиш йўлида бетиним қурашларда ўтказди. Тошкентда дўстлари, устозлари — Камий, Ифғат, Ризоий, Тавалло, Беҳбудий, Камол Турбатий, Фитрат, Чўлпон каби ватанпарварларнинг

➤ 2

ЎЗБЕК БИЛАН ТОЖИКНИНГ

Сухани бир, сўзи бир, Маслағи бир, кўзи бир, Дилу биру ўзи бир, Намағи бир, тузи бир — Ўзбек билан тожикнинг.

Кўшиғи бир, куйи бир, Фикри биру ўйи бир, Борди-келди, тўйи бир, Бўй-баста, ранг-рўйи бир — Ўзбек билан тожикнинг.

Танбур, дутор — сози бир, Жўр бўлса, овози бир, Парвози бир, рози бир, Аёз билан ёзи бир — Ўзбек билан тожикнинг.

Манзили бир, йўли бир, Ишда қотган қўли бир, Қўй-қўзиси, тўли бир, Гули бир, бўлбули бир — Ўзбек билан тожикнинг.

Келажағи бор бўлсин, Буюқликка ёр бўлсин, Ҳар кун баҳор бўлсин, Бахти барқарор бўлсин — Ўзбек билан тожикнинг.

Салим АШУР

ТАШАББУС ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАНДИ

Ёдингизда бўлса, "ЎзАС"нинг 2022 йил 8 апрель сониди хоразмлик Икром Бобожоновнинг китобсеварлиги, умри мобайнида йиққан китобларини жамлаб, уйда кутубхона очгани ва ундан қишлоқ аҳолиси беминнат фойдаланаётгани ҳақида "Зиёпарвар муаллим" сарлавҳали мақола чоп этилганди. Мақола сабаб хайрли ташаббусга кўпчилиكنинг қизиқиши ортди. Айниқса, унга хоразмлик мутасаддиларнинг алоҳида эътибор қаратгани айни муддао бўлди.

Янгибозор тумани ҳокими Ўктам Қурбонов таниқли муаллимнинг уй кутубхонасига ташриф буюриб, яратилган шарт-шароитлар билан яқиндан танишди. Хайрли ишга қўл урган И.Бобожоновга миннатдорчилик билдираган экан, кутубхонани янада бойитиш, самарали фаолият юритиш учун алоҳида бино қуриш, замонавий жиҳозлар билан таъминлаш зарурлигини айтиб, унга ҳокимият томонидан ёрдам берилишини маълум қилди.

Ҳа, китобли уй нурхонадир. Одамларга зиё улашиш, кўнгилларга нур олиб киришда



китобнинг ўрни қанчалик юқори бўлса, эл фарзандларини китобга ошно қилиш йўлида заҳмат чекаётган инсоннинг ҳам иззат-ҳурмати шу қадар баланд бўлиши жоиз. Устоз Икром Бобожоновга ўхшаган зиёпарварлар

сафи кўлайса, ёш авлоднинг китобхонлик даражаси ҳам юксалиши табиий.

Гавҳар ИБДУЛЛАЕВА

Ибодуллаева адабнинг миллий адабиётимиздаги ўрни ва ижодининг аҳамияти ҳақида сўз юритди. Таниқли ижодкорлар Қурбон Мухаммадризо, Сотим Аваз, Исмоил Оллаберганов, Шукуржон Жабборов ва шоирнинг инсоний фазилатлари, серкира ижоди ҳақидаги фикр-мулоҳазалари билан ўртоқлашдилар. Адиб асарлари асосида саҳналаштирилган парча намойиш этилди, шоир шеърларидан намуналар ўқилди.

➤ 2

ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ ХАБАРЛАРИ

Урганч давлат университетининг академик лицейида таниқли шоир, ёзувчи ва публицист Раҳим Бекниёз хотирасига бағишланган адабий тadbир ўтказилди. Унда педагоглар, ёш ижодкорлар ва адабнинг оила аъзолари иштирок этди.

Ёзувчилар уюшмаси Хоразм вилояти бўлими раҳбари Гавҳар

ЎЗЛИКНИ АНГЛАШ – САОДАТ

Давоми, бошланиши 1-саҳифада

Дилбарой ҳақиқатда дилбар, кўхлик аёл экан. Ховлидаги ободлик унинг меҳнатга иштиёқи баландлиги, меҳнатсеварлигини акс эттиради. "Аёллар дафтари" га киритилган 1-гурӯх ногирони Дилбарой Жумаева шу ҳолатда бўла туриб, уйини жаннатга айлантирибди-я. Афсуски, у жигар циррози хасталигидан азият чекомқда. Турмуш ўртоғи ҳам рӯзғор камини тўлдирай, жигар циррози касаллигига чалинган умр йўлдошини даволатай деб, хорижга ишлаш учун кетган экан.

Оиладаги аҳиллик, покизалик, хотиржамлик сабабини мен Дилбаройнинг тилида, дилида шукронаси мустаҳкамлигига деб билдим. У ёруғ тонгни кўраётгани, юртимиздаги тинчлик, Юртбошининг халқпарварлиги учун доим дуода: "400 минг сўм ногиронлик нафақаси олардим. Кеча эса 600 минг сўм ташлаб кетишди. Яна ошибди. Мен хурсандманки, шундай халқпарвар давлатда, шундай меҳрибон одамлар орасида яшайман. Маҳаллам гўшт еса, гўшт ейман. Ис-сик нон ёпишса, албатта, илиниб туришади. Шунинг учун яшагим келади", дейди Дилбарой кўзлари ёниб.

Катта турк маҳалласи, Шодлик кўчасида яшовчи Мирзаевлар хонадониди ҳам бизни ёруғ юз билан кутиб олишди. Ушбу оиланинг тўнгич қизи Гулибону 15 ёшда. У мактаб ёшига етгунга қадар барча болалар каби соғлом бўлган, дўстлари билан кўлашмачоқ ўйнаб, кўйрочқларига аллалар айтиб улғайган. Кейинчалик қонида аниқланган номаълум касаллик сабаби ўз оёқлари билан юриш ва гапириш бахтидан мосуво бўлибди. DSP, яъни оёқ мускуллари тортилиши ташхиси билан 2-гурӯх ногирони бўлган Гулибону Искандарова бугун юрولмаса ҳам, гапиролмаса ҳам эшита олади. У ҳамиса шукроналик билан яшайди. Босиси унинг меҳрибон онажониси доим атрофида парвона, жигарлари меҳрибон, синглиси Иродахон унга китоблар ўқиб, шеърлар айтиб беради. "Ўткан кунлар" асарида Қумушининг ўлиминан кўз ёш тўқади, "Дунёнинг ишлари"

асаридаги онанинг соғинчидан азобланади. "Авлодлар довоми" асарида Бобурийлар тарихини қайта-қайта тинглашдан эринмайди.

Биз Гулибону билан сўзсиз суҳбатлашдик, ҳадыларимиздан юзларида табассумни кўриб қувондик. Анчадан буён ҳаракатсиз бўлиб қолган Гулибону ёш эстрада хонандаси Акмалхўжа Холхўжаевнинг кўшиқларига ўтирган жойида ҳаракатга келгани, бармоқларини қарсиллатгандай, гўё муқом билан рақсга тушгани яқинларининг ҳайратини оширди.



Султонова Адолатхон Баҳодиржон қизи эса 1998 йилда туғилган. DSP, яъни оёқ мускуллари тортилиши ташхиси билан 2-гурӯх ногиронлиги бўйича рўйхатда туради. Онаси Малоҳатхон фарош, дадаси Баҳодиржон қурувчи экан. Малоҳатхоннинг айтишича, фарзандларининг иккинчиси ҳам ногирон. У бу кўргуликнинг асосий сабаби деб ўзининг аммасига келин бўлганлиги, яқин қариндошлар ўртасидаги никоҳ бир умрлик афсус-надоматлар билан яшашига сабаб эканлигини айтиб ўтди. Эндиликда уларнинг келинлари ҳам ногирон бўлиб, бир оилада уч нафар эътиборга муҳтож инсонларнинг борлиги кўнгилда хижиллик уйғотади. Малоҳатдаги афсусларнинг чеки йўқ, аммо дардини дoston қилишни истамайди, она сифатида ногирон фарзандларига гоҳ оёқ бўлса, гоҳ кўз бўлади. Гоҳида қўл бўлиб, гоҳида юрагига кўр бўлиб, бир жонини минг бўлакка

бўлиб яшайди. Бир оддийгина, кичик жуссали, нимтабассумли бу аёлнинг, онанинг заҳматлари-ни кўз олдимга келтириб, рости уялдим. Айрим ҳолларда турмушининг арзимаган камчилигига дош беролмаётган, янги либос учун инжиқлик қилаётган, сўнгги русумдаги телефонни хоҳлаб хараша қилаётган, машина мингиси келиб эрига араз қилаётган аёллар ораимизда кам эмаслигидан уялдим.

Ташрифимиздан беҳад қувонган оила аъзолари ийманибгина ҳамшираликка ўқиган келини иш излаётгани, имкон бўлса, ёрдам беришимизни сўради. Мутасаддиларга айтдик, туман Оила ва хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш бўлими бошлиғи Мадинахон Азизова ушбу масалани ижобий ҳал этишни ўз зиммасига олди. Кўзлари қулиб турган Адолатдан "Сенинг ораузининг борми, қизим, нималар хоҳлайсан?" деб сўрадик. Синглимиз эса: "Мен тикувчиман. Ногирон бўлсам-да, оёғим ҳам, кўлим ҳам ишлайди-ку. Худого шукур. Қариндошлар, кўшниллар, дугоналарим қўйлақларини мендан бошқасига тиктиришмайди. Агар биргина замонавий тикув машинам бўлганда эди, Мария Лопес бўлиб танилардим", деди қулиб. Адолатнинг орауларни туман ҳокими Шухратхон Тожиқакимовни тўлқилантирди. Орауларни осмон кизга энг сўнгги русумдаги тикув машинаси совға қилинди. Энди Адолат ўз тасаввурини яратган дизайнларини матоларга кўчириб, энг чироили қўйлақлар тикади. Ҳам оиласига моддий ёрдам беради, ҳам яқинларини хурсанд қилади.

Биз "Боғиш" МФЙ, Боғиш қишлоғида яшовчи Маҳбубахон Мавлонованинг хонадонига ташриф буюрдик. Асли меҳмондўстлик қонида бўлган, меҳмон келса тўнини ечиб ўтказган, сўнгги нонини дастурхонга қўйган ўзига бек ўзбекмиз. Маҳбубахон опа билан суҳбатимиз жуда тез қовушди. Улар узоқ йиллар давлат ташкилотларида меҳнат қилган, умрини шу халқнинг хизматида камарбаста этган фидойи аёл эканлигини суҳбатлашиб билдик. Маҳбубахон опа адабиётга ихлоси баланд, шоирларни иззат қилган, шеърни сева-

диган инсон эканлигидан қувондик. Уларнинг 2 нафар фарзанди бўлиб, боқувчисини йўқотган экан. Ўзи буйрак етишмовчилиги ташхиси билан доимий шифокор назоратида тураркан.

— Ишонсангиз, "Саодат" журналининг муҳлисиман, ҳар сонини интиқиб кутаман, мақола-лардан ўзим учун хулоса оламан, ҳикоялардан завқланаман, қанийди, мен ҳам шу табарруқ журнал саҳифаларида чиқсам, деб орзу қиламан, — дейди Маҳбубахон опа.

Мен журнал бош муҳаррири сифатида уларнинг ниятлари ижобат бўлишини ўз зиммамга олдим. Сиздек маънавият, маърифат фидойиси ҳақида журнал саҳифаларида ёзиш биз учун ҳам аҳамиятли, дея далда бўлдим.

Бугун ёруғ олам тароватини кўришдек бахтдан узоқлашиб бораётган Маҳбуба опанинг кўзлари операцияси учун ҳомийлар бириктирилишини мутасаддиларга алоҳида топшириқ қилиб берган туман ҳокимидан миннатдор бўлдик.

Мен Данғаранинг ҳалол, танти, меҳнаткаш халқи билан бўлган суҳбатлардан оламча маъно олдим. Мақсад — халқнинг кўнглига йўл излаш эди, ушбу мақсад рўйбани кўриб қувондим. Халқ дардига дармон бўлиш инсонда ўзгача туйғулар уйғотиши қандай яхши. Бир ширин сўз айтиш, қулиб турган кўз билан қараш қанчалик хурсанд қилади-я, лойи меҳрдан қорилган одамизодни.

Йўлимиз Қўқон шаҳрида бўлаётган Адабиёт байрами билан туташди. Албатта, Фарғонага келган меҳмон борки, унинг адабиёт денгизидан бир қултум сув ичмасдан ортга қайтмас. Нодирабегим таваллудининг 230 йиллиги, Абдулла Қаҳҳор ва Ҳазиний таваллудининг 115 йиллигига бағишлаб ўтказилган тадбирлар руҳимизга қувват, қалбимизга ёруғлик берди. Бир сўз билан айтганда, бугун фарғоналиклар "Янги Ўзбекистон — инсон қадри улуғланган юрт" шиори остида бирлашди. Бизни адабиёт, санъат, Ватан туйғуси жипслаштирди. Ушбу учрашувлар шуқуҳи, муаззам суҳбатлар халқимиз хотирасида узоқ йиллар сақланиб қолиши, шубҳасиз. Биз эса зришилган янги муваффақиятлар, забт этилган чўққилар соғинчи билан тинчлик қўеши чарақлаб турган эрталарда яна учрашамиз!

Мунаввара УСМОНОВА,
"Саодат" журнали бош муҳаррири,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган
маданият ходими, шоира

Давоми, бошланиши 1-саҳифада

Серқирра адибнинг устоз, дўст ва шогирдлари беҳисоб эди. Абдулла Носиров улар орасида энг меҳрибон, софдил, жонқар шогирди эди. Абдулла ота хаттотлик санъати сир-асрорларини пухта ўзлаштирган эди. Устоз ижодини юзага чиқариш учун бетиним курашди. Бу савобли ва машаққатли йўлда адабиётшунос олим, тарих фанлари доктори Маҳмуд Ҳасаниний ҳам эсга олмоқ жоиз.

Сирожиiddин Маҳдум Мирзоҳид ўғли — Сидқий Хандақлиқий ҳаёти ва ижоди билан ўтган асрнинг олтиминчи йиллари охирида шуғуллана бошлаган эдим. Не бахтки, дорилфунуннинг филология факультети талабаси Каримахон иккимиз оила қурдик. Шу-шу ҳамқишлоғимиз Сирожиiddин Сидқий Хандақлиқий ҳаёти ва ижоди йўлида биргаликда шуғулланишга киришдик. Сидқийни эшитган, таниган, билган инсонлар, Шарқшунослик институти, Фарғона водийсидан тортиб бутун Ўрта Осиё бўйлаб маълумотлар тўплардим, тўхтовсиз қозғоғга туширардим ва жуфти ҳалолимга топширардим. У эса куну тун ёзув машинкасини чиқиллатарди. Билмадим, тўғри қилдимми, ё... Ҳамма нарсас менинг номимда чоп этилар, умр йўлдошим чеккада қолиб кетаверарди. Яна менинг жиззакиликларим, зардаю дашномларимни айтмайсизми! Китобларим чоп этилганида оламга сизмас қувончларини-ку, таърифлашга тил ожиз! Жонажоним, меҳрибоним умрининг сўнгги кунларини яшаётганини қайдан ҳам билардим?! Айниқса, биргина сўрови юрагим тўрига қадалди-қолди: "Ҳамқишлоғингиз Сирожиiddин Сидқий уй-музейини яратиш ҳақида нега бош қотирмайсиз? Ота-боболаримиз икки минг йилдан зиёд вақтдан бери яшаган Қўрғонтепа бағрида ноёб шу иншоотни қуриш ташаббускори бўлмасангиз, бу ишга ким қўл

уради? Шу орқали Қўрғонтепа нафақат Бўстонлиқ тумани, бутун Ўзбекистон учун табарруқ зиёратгоҳга айланиши аниқ. Шу билан бирга кутубхона ҳам батади. Уйимиздаги мингдан зиёд ноёб китобларимизни совға қиламиз. Шунда Сидқийнинг уй-музейи ва маънавият маркази ҳам пайдо бўлади. Айниқса, қишлоқ ёшлари шу даргоҳда жамулжам бўлади. Тепалик ва унинг атрофи кўркамлашиб, гузар ва сайроғоҳга айланади. Бобо чинорлар бағрида сайёҳлар учун меҳмонхона қуриلسа, ажойиб маънавий ва маданий мерос қолади келажакка!"

ШОИРНИНГ САФАРИ

Ярим асрга яқин мuddат ёш авлодга ўзбек тили ва адабиётинан юксак савияда билим бериб келган умрдошим шундай ноёб фикрларни айтган экан, юрагим орқамга тортиб кетди! Жуфти ҳалолимнинг умри, наҳотки, тугаб бораётган бўлса? Ҳа, бу ҳаёт ҳақиқати эди!

Сидқий ўғитларини ўқийман: "Одам уч хил бўлур, — деб ёзади шоир. — Бутун одам, ярим одам, одам ҳисобинда бўлмаган одам. Бутун одам улдирик, ўз ақлига иш буюриб, касбу қорға машғул бўлур, киришур ва тиришур. Ярим одам улдирик, бирон ишининг уҳдасидан чиқа олмас. Локин ўзганинг иршоиди (курсатмаси) бирлан ишга киришур ва тиришур. Одам ҳисобинда бўлмаган одам улдирик, на унисининг ва на бунисининг уҳдасидан чиқур. Улар дан-гасалар, текинқўрлар ва ялқовлар жамоаси эрурки, таъма бирлан кечинурлар."

акс эттирилган фильмлар суратга олинмоқда. Бир сўз билан айтганда, Тилак Жўра юрагимизда яшамоқда.

Бор-йўли 47 йиллик умри давомида юзлаб шогирдлар тарбиялашга улгурган ҳассос шоир ҳаёт бўлганида, бу йил 75 ёшга яқинлашди. Тилак Жўра таваллуд топган сана муносабати билан у туғилиб ўсган Қорақўл туманидаги таълим муассасасларида адабий анжуманлар, хотира ва шеърят кечалари ўтказилди. Дастлаб шоир оиласидан хабар олинди, яқинларидан кўнгил сўралди. Адабиёт ихлосмандлари шоир ижодхонасида бўлиб, унинг таржималари, шеърларининг қўлёмалари, газеталарда чоп этилган мақолаларини кўздан кечиришди. Тилак Жўранинг турмуш ўртоғи Қумуш момо билан дилдан суҳбат қуришди.

ЧЕҲРАСИДА ҚУЁШ АКС ЭТГАН

Шоир турк, озар, француз, қорақалпоқ, тожик, уйғур ва қрим-татар шеърятидан таржималар қилди. "Ҳозирги турк шеърляти", "Нозим Ҳикмат ва Ўзбекистон" сингари илмий асарлар яратди. Ўнлаб китоблари нашр этилди. Унинг бир туркум шеърлари Т.Гутиной, М.Михайла, Л.Чайковской каби таржимонлар томонидан рус тилига таржима қилинган. Айни пайтда ҳам шоир ҳақида китоблар ёзилмоқда, ҳаёти

Тадбирнинг бадий қисми туман маданият марказида давом этди.

Шоир, таржимон, журналист Тилак Жўра таваллудининг 75 йиллигига бағишлаб ўтказилган "Меникидир ҳар айтар сўзим" номли адабий анжуманда эса унинг мағзи тўк, бетақорр шеърларидан намуналар ўқилди. Йиғилганлар унутилмас хотираларини ёдга олишди, келажак авлодга ибратли ҳаёт йўли

билан намуна бўлган шоир ижоди ҳақида батафсил маълумот берилди.

Тадбирларда танikli шоир ва адиблар Азиз Саид, Назира ас-Салом, Дилшод Ражаб, Абдунаби Ҳамро ҳамда "Умрбоқий мерос" Ўзбекистон маданияти ва санъати тарғибот маркази раҳбари Матлуба Бозорова ва бошқалар иштирок этди. Уюшманинг Бухоро вилоят бўлими раҳбари Шодмон Сулаймон, Республика Маънавият ва маърифат маркази Бухоро вилоят бўлими раҳбари Марҳабо Пардаева Тилак Жўра адабиёт ихлосмандларининг қалбидан чуқур жой олган забардаст ижодкорлигини, унинг асарлари ўзбек адабиёти хазинасига муносиб ҳисса бўлиб қўшилганини эътироф этишди.

Давлат, жамоат ташкилотлари вакиллари, ижодкор ёшлар ҳамда туман мактабларининг ижодий-маданий масалалар бўйича тарғиботчилари шоир шеърларидан баҳра олиб, танikli ижодкорлар билан юзма-юз мулоқот қилишди. Адабий суҳбатлар, шоир ҳаёти ва ижоди билан боғлиқ ибратли воқеа-ҳодисалар адабиёт ихлосмандларида ўчмас таассурот қолдирди.

Шухрат АЗИЗОВ



ХОТИРА



ЛОЛА ОНА

Лола мисол юракларда жола қолди, Уват-уват, жуяк-жуяк нола қолди.

Яғнада адашдим қари ажал? Қайси қўли билан жонинг ола қолди?

Кўзёшлардан қатқалоқдир бугун кўнгил, Пайкалнинг бир чеккасида мола қолди.

Ерни шунча севадим одам деган? План тўлди, лекин ҳаёт чала қолди.

На бир рўзғор қолди ва на бола қолди, «Онамму»лаб сағир бўлиб дала қолди.

Бир хокисор сабоқ берди опазор, Лоладайин юрак бўлиб Лола қолди.

Иқбол МИРЗО,
Ўзбекистон халқ шоири

УНУТИЛМАС СИЙМОЛАР

Назар Шуқур ва Чори Аваз шеърлари тонги шабнам каби шаффоф туйғуларга бойлиги, дилтортар мисраларинг жилвақорлиги, сўз ва оҳангнинг уйғунлиги билан кўнгил водийсини ёриштириб юборади. Қарши шаҳридаги Сайидо Насафий номидаги ахборот кутубхона марказида Назар Шуқурнинг "Баҳор соғинчи" ва Чори Авазнинг "Яшил сўқмоқлар" китоблари тақдими бўлиб ўтди.

Тақдимот аввалида икки шоир ҳақида "Маърифат ва маданият" телеканали томонидан тайёрланган "Унутилмас сиймолар" ҳужжатли фильми намойиш этилди. Шундан сўнг филология фанлари йўналиши бўйича фалсафа доктори Отажон Норов "Назар Шуқур ва Чори Аваз поэтикаси" мавзусида маъруза қилди. Ижодкорлардан Даврон Султон ва Беход Уктам Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси томонидан нашр этилган маъруза китобларга кириштирилган шеърларнинг бадий қиммати, сатрлардаги жозиб ва соҳир туйғулар китобхон руҳий оламини ҳайрат ва мўъжизаларга ошно этишини таъкидлашди. Шоир Ўроз Ҳайдар Назар Шуқур ва Чори Аваз ҳақида ўз хотираларини ўртоқлашди. Қарши шаҳридаги ўрта мактаб ўқувчилари ҳар икки шоирнинг шеърларидан намуналар ўқиди. Ёш китобхонларга Маънавият ва маърифат маркази вилоят бўлими ва Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси вилоят бўлими томонидан китоблар тўхфа этилди.

Наргиза ҲАЙДАРОВА,
Қарши туманидаги
70-мактаб тарғиботчиси

ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ ХАБАРЛАРИ

Давоми, бошланиши 1-саҳифада

Ёзувчилар уюшмасида уюшма аъзоси Ариадна Васильеванинг 80 йиллик таваллуди муносабати билан тақдирлаш тадбири ўтказилди.

Тадбирда "Шарқ юлдузи" журнали бош муҳаррири Сирожиiddин Рауф, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, шоир Раим Фарҳодий, ёзувчилар Александр Свистунов, Галина Долгая, Рисолат Ҳайдарова, шоирлар Николай Ильин, Муҳиддин Абдусамид Ариадна Васильеванинг ижодий фаолияти ҳақида самимий фикрлар билдирди.

Ариадна Васильева адабий фаолияти давомида сюжет жозибдорлиги билан ажралиб турган турли жанрдаги асарлар яратган ижодкор. Адибанинг асарлари ўзининг руҳий нозиклиги ва тарихий аниқлиги билан ажралиб туради. Драматург мамлакатимиз тарихини чуқур билиши, асарларида ҳаёт гўзаллигини намён қилиши билан эътирофга лойиқ эканини кўрсатди.

Адибанинг ҳаёти ва оиласи тақдири XX асрда жамият ҳаётидаги мураккаб жараёнлардан четда қолмаган, зиёлилар тақдирини ҳаққоний акс эттирувчи бадий асарлари учун материал бўлиб хизмат қилган.

Унинг "Муҳожирликка қайтиш" роман-трилогияси халқимизнинг яқин тарихини ёш авлодга етказишда муҳим асарга айланди.

Эркин ҲОЖИМАТОВ


ХОТИРА УЙҒОНСА ГЎЗАЛДИР

Президентимиз Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек, "Ватанпарвар, ўзлигини англаган авлодни камол топтириш маънавий-маърифий ислохотларимизнинг бош мақсадидир". Ардоқли шоир Тилак Жўра ҳаёти ва ижоди аини мезонларга тўла мос келадиған забардаст ижодкорлардан эди. У ёш авлодни она юртимиз ва донишманд халқимизга, миллий қадриятларга садоқат руҳида тарбиялашни ўз бурчи деб билганди. Шоир шеърлари халқчиллиги билан, бетақорр бадий жозибаси билан юртдошларимиз қалбидан чуқур жой олган.

"Қиёфада қуёш акс этганини кўрганмисиз, — деб ёзганди танikli олим Файбулла ас-Салом. — Шоир Тилак Жўра шеърларида халқ қиёфаси акс этарди. Агар бирор ғайри миллат кишиси сиздан ўзбеклар қандай миллат, тушунтира олмасин, деб сўраб қолса, узоқ чайналиб тушунтиргандан кўра, Тилак Жўра шеърларини ўқиш керак уларга. Тилак Жўра ҳаётини сўзлаб бериш керак уларга. Унинг юриш-туришида, фикрлашида, гапириш оҳангида, қарашиди, қулишида, йиғлашида, хўрак ейишида, бировни севишида қандайдир соф, бетақорр ўзбеконалик бор эди". Дарҳақиқат, Тилак Жўра халқимизга нафақат сара ижод намуналари билан, балки ижтимоий фаол шахс сифатида ҳам хизмат қилди. У кўп йиллар Тош-

кент давлат университетининг (ҳозирги ЎзМУ) филология факультетида ёшларга сабоқ берди.

Тилак ЖҲРА



РУҲИЯТ

Бир яланглик бўлса,
Туйиб-туйиб бақирсанг,
Суниб қолган руҳингни
Қалқиб-қалқиб чақирсанг!..
Титраса товушингдан
Димикқан бағринг, тананг,
Сочилиб дил губори
Қоядаги майсадай
Силкиниб турса шонанг.
Оҳ, десанг, оҳлар десанг,

Бу қандай чоғлар десанг,
Елками тоғдай босган
Бу қандай доғлар десанг!
Кўл бутун, оёқ бутун,
Дил нечун оҳлар десанг,
Бу қандай имкон, охир!
Қўлларим боғлар десанг,
Бу умид қандай умид,
Дилда жон сақлар десанг!
Оҳ урсанг, оҳлар десанг,
Бу қандай замон, охир!
Туйиб-туйиб бақирмоқ,
Ёниб-ёниб чақирмоқ
Энди бир армон десанг.
Бир яланглик бўлса,
Айтиб-айтиб шуларни,
Учириб
Гала-гала қушларни
Туйиб-туйиб бақирсанг,
Куйиб-куйиб чақирсанг?!

Озода БЕКМУРОДОВА



КИТОБ

Дўстлар юрагимдан кечиб кетганда,
Рухим оқушлари учиб кетганда,
Юлдузлар бенишон учиб кетганда,
Китобга суяндим, фақат китобга...

Кўнглим деворлари кўчиб кетганда,
Ҳижрон сариқ гуллар сочиб кетганда,
Исимин ҳаётингдан учиб кетганда,
Китобга суяндим, фақат китобга...

Умр ҳам офтобдек бир учиб ёнар,
Хаёл боғларида чечаклар унар.
Идроким фақат бир нидога кўнара —
Китобга суяндим, фақат китобга...

Уйғониб кетаман ярим кечалар,
Китоб жавонимда бир қиз қуй чалар,
Йиқилиб, йиқилиб туриб нечалар,
Китобга суяндим, фақат китобга...

МАКТУБ

Борар йўлим сенинг йўлинг эмасму?
Манзилгоҳинг, зангор диллим эмасму?
Сени десам еру кўкда яшнадим,
Кўксимдаги сенинг гулиниг эмасму?

Ҳеч қачон сеники бўлмайман.
Эҳтимол қўлимдан тутмасан.
Сени деб самони тилмайман,

Азиз НОРҚУЛОВ



Тува Республикасида Москвага учдик. Са-
молёт тўққиз соат учили керак. Уйку келмайди,
гаплар тугаган. Бир четда ўтириб ушбуларни қо-
раладим.

Тоғда бизнинг ўлчамларга бўйсунмас бир ма-
конни кўрсатишди. Бу ҳудуд одам зотини ўзига
яқинлаштирмас, борганинг аксарияти ҳалокатга
йўлиқар экан. Бир гуруҳ кишилар ўн соатдан зиёд
ўша ерда бўлишибди. Қайтиб келганларидан ке-
йин орадан икки ҳафта вақт ўтиб кетганини били-
шибди.

Ўн беш кунлик сафаримиз шунга монанд бўл-
ди. Назаримда, йигирма йил ўтиб кетгандек... Биз
Сизифга ўхшаб, вақт оқими билан курашганга ўх-
шардик. Тонг отади, кун ботади, қор кечамиз. Қуёш
булутлар орасидан мўралаб нурсиз кузатади.

На довул, на бўрон одамларни саросар кезиш-
дан тўхтатади. Қидираётган нарсалари нималигини
билмасдан дайдишади. Ҳаёт тарзидан маъно топол-
майман. Кимсасизликка чекинган оломон.

Дунёни қақшатаётган коронавирус уларнинг ха-
ёли келгани йўқ. Қон босимингиз
жойида бўлса, саломатликда муаммо йўқ. Сафарда

БАҲОР ЁМҒИРЛАРИ

Бу элга ғам эмас, ёмғирлар ёғсин,
Баҳор ёмғирлари, куз ёмғирлари,
Севинч ёмғирлари, ишонч ёмғирлари,
Ёғсин-эй, майлига, соғинч ёмғирлари,
Соғиниб-соғиниб келган бу элга,
Суяниб-суяниб келган бу элга,
Сўқилиб-соврилиб келган бу элга,
Сўқлиниб-сарғайиб келган бу элга,
Ёғсин-эй, майлига қувончлар ёғсин.
Борини бериб ҳам, бўҳтонлар олган,
Зорини айтиб ҳам, зорланиб қолган,
Сомондай сарғайиб, ҳар ён сочилиб,
Толла-толла бўлиб, толиқиб толган
Бу элга қувончлар, ишончлар ёғсин!
Бу қандай замондур, бу қандай даврон.
Умрим, ўз ҳолингга ўзингсан ҳайрон,
Не хатолар қилдинг, айтсанг-чи, ахир,
Кўнгил-да вайрондир, имон-да вайрон.
Сарғайган қамишдай сарғайган гўдак,
Сендан қадрлими бир дона қўсақ?

ТИРИК САТРАП

Дардим дарё бўлиб оқизмас мени,
Елкамда кўтариб кетсам мен сени.
Сени қандай асрай, кўзи қаролик,
Қўлларим чўзарман, қўлларим боғлик,
Бу дунё гумроҳдир, гумроҳ одамлар,
Жилмайиб боқарлар, юраклар доғлик!
Қўқликдан қўқармай, сарғайган соҳил,
Уммонинг қайдадир, гумонинг қайда,
Сени ҳам қўл қилди, қўл бўлган ҳосил,
Тўфонинг қайда ҳей, суронинг қайда?!
Оҳ уриб, оҳимни мен кимга айтий,
Қани, у туш бўлса, жимгина ётай.
Лек, руҳим тирмалиб, санчилар санчик,
Қароғим қичқирса, мен қандай ётай!
Бу элга ғам эмас, ёмғирлар ёғсин,
Баҳор ёмғирлари, куз ёмғирлари.
Баҳордай борлиқни қувончга қўрсин,
Ўзлик ёмғирлари, ўз ёмғирлари...

Оламга ўт кетса мендан ранжиманг,
Ҳеч бир изоҳим йўқ кўнглимга...

Бегим, дорингизга ўрлайвераман,
Парвона боргандек мунис ўлимга...

СОМОН ЙЎЛЛАРИДА

Мен ҳеч ким эмасман, на чаман, на шон!
На бир гул, на инсон ва на жанона!
На ойнинг нуриман, на сўбх, на шом...
Сомон йўлларида маҳзун тарона!
Қўшларнинг тилида бўлган афсона!
Мен фақат онаман, афсона она!
Мен — шамол мағрибдан машриққа елиб,
Қўқламларин тўсган тақдирнинг сели.
Шошиб дарёларнинг буйидан келиб,
Саҳролар бағрида ёғдуга тўлиб,
Фақат ўзи билан қолган Ягона,
Мен фақат онаман, қанотли она!

Яшил ҳисларини юлдузлар ёққан,
Янтоқ гуллариди кашталар тиккан,
Тонларнинг қўқисидан умидлар соққан,
Орзу гўдагини парилар боққан,
Тақдир эшигиди афсус ва гина,
Мен фақат онаман, Ҳа, она, она!

Риёзат тоғида бунёд ҳам менман,
Фароғат чоғида барбод ҳам менман,
Менман аждархонинг бўғзидан қайтган,
Фарёдини ёлғиз Худога айтган!
Бугун шодмон айтгум, яна маҳзуна,
Илтижо онаман, мубтало она!

Севги эртагида ҳаёл эмасман,
Қанотлари яшил савол эмасман.
Қўлларимнинг яқин ҳабиби йўқдур,
Синган қанотимнинг табиби йўқдур.
Мен аёл эмасман, мен фақат она!
Сомон йўлларида маҳзун тарона!

Ўзим қараб қўяман гоҳи.
Борлигини ўртади ҳамон,
Найсонларнинг ёшли нигоҳи...
Кўксим тўла севги ва орзу
О, кимнидир соғиндим беҳад...
Чексизликда яшндек қақнаб,
Интизорми,
Мени кутган бахт!
Тош йўллардан жимгина ўтиб,
Юрагимни кучаман соқин.
Фақат сени,
Бир сени кутдим...
О, тушундим,
Истиқбол яқин.

Ҳеч бир изоҳим йўқ кўнглимга,
Мағрибдан машриққа елавераман...

Парвона боргандек мунис ўлимга,
Бегим, нега сизга келавераман...

Ҳолим паришондур, ихтиёрим йўқ,
Кўксимда шамоллар бир зум тинмайди...

Сиёҳ қуриганим, инмасми найсон,
Нахот, бу ёзуқда гиеҳ унмайди...

Нега бу ишора, нечук имтиёз,
Қарбало даштида бу нечук айём?

Бегим, юрагимга тўлмоқда қасос,
Ўлсам, устингиздан қилурман даъво.

Мени улфат қилди, Ҳазрати Ҳайём
Беҳудуд жилвалар қилур ёдингиз,

Осмоним ер бўлди, бардошим тўзди.
Қуриди кўзларим оловли-денгиз.

ЙЎЛОВЧИ

ҲИКОЯ

ўтапти. Эсимни танибманки, йўлда-
ман. Яқинларнинг меҳрига тўйма-
дим. Онамнинг ажин босган, маъсум
юзи кўз олдимга келса, Навоий бободан машҳур
ҳикоятни эслайман.

"Шайх ул-ислом дебдурки: "Исмоил Даббос де-
диким: Ҳаж нияти қилиб борурда Шерозга етишдим.
Бир масжидга кирдим. Шайх Мўминни кўрдимки,
ўлтириб хирқасин ямайдур эрди. Салом бердим ва
ўлтирдим. Мендин сўрдиким: "Не ниятинг бор?" Де-
дим: "Ҳаж ниятим бор". Деди: "Онанг бор?" Дедим:
"Бори!" Деди: "Ёниб онанг мўлозаматиға бори!" Бу сўз
менга хуш келмас эрди. Деди: "Не тўлганасен?" Мен
элик ҳаж қилибмен, бош яланг, оёқ яланг ва зоду
ҳамроҳсиз. Барчасин сенга бердим. Сен онанг кўн-
гли шодлигин менга бер!"

— Онам кўнглин шодлигини қачон топдим?
Хотирамни титқилаб, арзийдиган ҳеч вақо топол-
майман. Дуога очилган қўлларини юзларимга сур-

кагим келади, уяламан. Барча эришганларим ана шу
илтижоларнинг маҳсули-ку!

— Ҳали шаҳарда ўқийсизлар, болам студент, деб
мактаманам.

— Ўғлим Тошкентда ишлапти, деб аёлларга гап
бермайман.

— Машина олсаларинг, ёнларингда ўтириб кет-
сам.

— Уй олинлар, ҳовли тўйларингни ўтказайлик.
Тилаклари бирин-кетин рўёбга ошаяпти.

Эски машинани сотиб, янгисига пул тўлаб қўйган-
ман. Бир ҳафтада бир, иккита навбат

силжийди. Синглимнинг тўйи яқинла-
шиб қолди. Онам кўнғироқ қилди:

— Келяпсанми?

— Ҳали машина чиқмади, кейин
хизмат сафари бор экан.

— Ўша ёққа бошқа бировни юборсанг
бўлмайди (гўё, мен бошлиқдай). Сен

келмасанг ким боради, аммаларингни олиб
боришинг керак...

Овоз қўлоғимдан кетмай қолди. Ич-этимни ея
бошладим. Нима қилишни билмасдим? Бир соат
утар-утмас автосалондан кўнғироқ бўлди: "Машин-
ангиз келди, олиб кетинг!"

Эртаси кун ҳужжатларини тахлаб, кам-қўстла-
рини тўрилаб, янги машинада синглимнинг тўйига
етиб бордик. "Ўзавтосаноат"га сўзи ўтган, ҳарбий
хизмат сафарини бекор қилган онамнинг кўнглига
бошимни эгиб таъзим қилдим.

Самолёт силкиниб ина бошлаганини билдирди.
Хабарга кўра, Новосибирскага ёқилги учун қўнаётган
эдик. Оёқнинг чигилини ёзиб, тоза ҳаводан нафас
олиш биз учун бахт эди шу лаҳзаларда. Ташқарида
совуқ заботига олган. Ўрқа-ўрқа қор уюмлари. Си-
миллаб танамизга санчилиб ўтаётган изгирин ҳам

ЖАМШИД

ҲАЁТ ТУҲФАСИ



Дейишди: Бу хумпар муғомбир чоғи,
Бунга от минишни ким қўйди, тавба?!

СУКУНАТ

Сукунатни бугун туш қўрдим,
Ётганимдан момик бағрида.
Хулво ҳидин уфурар еллар,
Эрка қушман гуллар даҳрида.

БУ АЖИБ ДУНЁКИ...

Бу ажиб дунёки, дўстинг кун келиб душман бўлур,
Душманинг, гоҳида боқки, содиқу ҳамдам бўлур.

Кимгаки муҳтож эрурсан у сенга ҳамроз эмас,
Толенинг қулса баногоҳ барча қавминг жам бўлур.

Ким назарга ташланибдир — ошғуси фазли унинг,
Кетса давлат гар қўлидан қомати ёй, ҳам бўлур.

Юрмасанг ақлингни пешлаб бу умр сўқмоғида,
Ажратолмай дўст, рақибни кўзларинг пурғам бўлур.

Мушқулинг енгмоққа қодир кучни сен ўзингда топ,
Йўқса, бошингда қуёш ҳам милтирар бир шам бўлур.

Жамшидо, мағрур яшаб олган сабоғингни дегил:
Тер тўкиб толган ҳалол бир бурда нон хуштам бўлур.

ҲАЁТ

Умр нафас, умр лаҳзадир, туҳфайи олам ҳаёт,
Ўтгучи онини сенга қарз берар, одам, ҳаёт.

Гавҳар у инсон қўлида, сарфи-чун ақлинг пишит,
Сабзалар баргида титрар мисликим шабнам ҳаёт.

Фитнаю иғвода майлинг, бас, яшолмасан уни,
Кўнгли пок, ҳимматлиларга жон қадар ҳамдам ҳаёт.

Кимда-ким кўзгаб маломат, учди шайтон макрига,
Оғусин заҳми кўкарса шунда бир мотам ҳаёт.

Ҳей азиз, жоним, биродар, соғ қулиб бағрингни оч,
Барчамиз меҳмон, ғанимат, пир-р этар бир шам ҳаёт.

Биргина муздай сўзинг ҳам дилни тиглар тобад,
Шухратинг, молингга шу дам бергуси барҳам ҳаёт.

Жамшидо, чехрангни очгил, эртага йўқсан, не тонг,
Одамий хулқу тамиздан жилвагар ҳар дам ҳаёт.

ТААЖЖУБ

Давлатманд от минди, туш керди мағрур,
Муборакка шошди аъёну авом.

Табриқлар устига қуллук бўлди жўр,
Олқишлар ёмғирдай ёғди бардавом.

Камбағал от минди қари, қирчанги,
Оч-у тўқ қулишди масхараб ва

Тўғарак жаҳонда тирик токи биз,
Дову дарахларда ризқи покимиз

Ва лекин бу не сир, гуллаб қўйибди
Бодом қиш чиқмасдан, кузда — ноқимиз.

Худойим қабоқни қошдан қорибди,
Бошимизни қаттиқ тошдан қорибди.
Бунча нолакоримиз? Энди уйласам,
Вужудимиз лойин ёшдан қорибди.

Кўрдик, томошага бир ҳавас дунё,
Бирга тилло кўза, бирга хас дунё.
Маъёз ултирибсан нечун, укажон?
Тур, кетдик, кўз ёшга арзимас дунё.

Холиқим, умрки покрок бер менга,
Сарфингни мўл этмай озрок бер менга.
Соф ҳаво сувингга шуқр айта кетай,
Сепсинлар, бир сиқим тупроқ бер менга.

ёқимли. Енгил тортиб, жойимизга қайтдик. Биз бу
дунё сафарининг ичиди сафар қилаётган йўловчи
эдик. Бир-биридан беҳабар, меҳр беришга ошқмайд-
диган йўловчилар.

Йўловчи бўлгунча кўнгли оловчи бўлсак-ку,
барчаси бинойидек бўларди.

Азобли ўйларим, хаёлларимни узоқлашти-
ришга тиришаман. Зимистон. Ғувиллаган овоздан
булак ҳеч вақо йўқ. Уйқум келмайди. Кўпчилик тин
олапти. Қўзимни юмсам боз хаёллар домига ту-
шаман.

Талабаликда Қашқадарёга сафар қилгандик.
Сўлим манзара. Зилол сувдан қониб-қониб ичаман.
Мусаффо табиатдан завқланаман. Яшиллик қўйнига
сингиб кетгим келади. Яна кўнгли яқин ошноларим
мен билан. Бир оз айлангандан кейин масжидга
кирдик. Ибодатдан кейин ҳамма чиқиб кетди. Тургим
келмасди.

Ёлғиз қолганимга ишонч ҳосил қилгач, ҳасрат-
ларимни тўқа бошладим. Кўз ёшларимни тўхта-
та олмасдим. Йиғлаб-йиғлаб дуолар қилдим. Шу
ерларга ота-онамни олиб келишни Аллоҳдан сўра-
дим. Енгил тин олиб, чиқиб кетмоқчи бўлсам, ўр-
тоқларимдан бири кутиб турган экан. Баттар кўн-
глим бузилди.

Орадан етти йил ўтиб орзуим ушалди. Ҳазрати
Баширни ота-онам, оилам, фарзандим билан зиёрат
қилдик. Ўзига қилинган таваллолар беиз кетмас-
лигига яна бир қарра амин бўлдим. Энди улуг-улуг
мақсадларни дилга тугишдан, тилга чиқаришдан
чўчимасдим.

Олдинда улуг-улуг ишлар кутаётганига ишончим
комил эди. Ногаҳон, зулмат қаъридан шаҳарнинг
порлаб турган чироқлари кўзга ташланди. Хаёлла-
рим тарқаб бошлади. Кўнглим ёришиб, ўрнимдан
турдим.

ЎЗБЕК МУМТОЗ АДАБИЁТИ

АДАБИЙ ТАСВИР ВА ПАРИХИЙ ТАВСИФ

Алишер Навоий дурдона асарларида ислом, Каъба, Мухаммад (с.а.в.), Қуръони карим ва ислом оламининг буюк сиймолари тарихи билан боғлиқ ҳам бадий, ҳам тарихий лавҳа, хабар, маълумот, тасвир ва тавсифларни юксак маҳорат билан ёзган. Бу мавзунинг айрим жиҳатлари мақола ва тадқиқотларда қисман ёритилган. Биз ушбу мақоламизда ислом оламида машҳур Умми Ҳоний сиймосининг Навоий “Ҳамса” дostonларида битилган хабар тарзидagi лирик тасвир ва тавсифига диққат қаратдик.

Қимматли манбаларда ёзилишича, Умми Ҳоний Мухаммад(с.а.в.)нинг аммаси, яъни амакиси Абу Толибнинг қизи, саҳобалардан бири. Навоий, Рабғузий, Бобур асарларида асга олган тарихий шахс, саҳоба аёл образи. Унинг шарафли номи Шарқ адабиётида яратилган “Мавлуднабий” ва “Меърож-нома”ларда ҳамда мумтоз адабиёт вакилларининг асарлари таркибиде ёзилган Меърож билан боғлиқ фасл, боб, тасвир ва тавсифларда очиқ талмеҳ санъати воситасида тилга олинган. Асарларда ёзилган тасвир ва маълумотларга қўра, Оллоҳнинг инояти, фазли, лутфи, илҳоми инсонларга чексиз, айниқса, Расули акрамга қўрсатган ғиммати алоҳида экани — Меърож билан муқофотланган, шарафланганидир. Қалам аҳлининг ихлос билан ёзишларича, гоҳида Ҳабибуллоҳ золимлар зулми ва макридан озор чекканда аммаси Умми Ҳоний ҳузурига, зиёратига (биз таҳлилга тортган асарларда зиёрат манзили уй, эв, гўша, хонадон, ҳужра каби сўзлари билан берилган — Б.Р.) келиб турган ва доимо аммаси уйда азиз меҳмон сифатида эъзозланган, паноҳ топан. Ҳатто Расули акрамнинг Оллоҳдан ўз умматлари авфини, ҳидоятга бошлашни сўраб бемалол, тинч, осуда, сокин муҳитда ибодат қилиши учун матонатли аммаси эшик олдида худди ҳарбийлардек қилич ушлаб пос-бонлик қилгани фахр туйғуси билан айтилган. Демак, манбаларда Мухаммад (с.а.в.) Меърож кечаси Умми Ҳонийнинг уйда меҳмон бўлгани ва Оллоҳ ўз фариштаси Жаброил амин орқали Расули акрамни ҳузурига чорлагани, Буроққа миндириб учириб олиб кетгани ҳамда ундан кейин бўлиб ўтган илҳомий жа-раёнлар ҳақида мароқ билан тасвирлаганига ғувоҳ бўламиз. Навоий “Лайли ва Мажнун”нинг Меърож шоми висолини поэтик талқин қилиб битган IV бобида, “Фарҳод ва Ширин”нинг Буроқни тавсифлаб ёзган V бобида, “Сабаъи сайёр”нинг “Меърож” кечаси тавсифи билан боғлиқ IV бобида, “Садди Искандарий”нинг “Меърож” шабистони тараннум қилинган IV бобида Умми Ҳонийнинг шарафли номини бир, икки байт доирасида ёдга олган.

“Фарҳод ва Ширин”нинг V боби билан танишар эканмиз, Навоий ушбу бобда Меърож туниди Мухаммад (с.а.в.) миниб кўкка кўтарилган учқур Буроқ от тасвирланган. Маълумки, Шарқ адабиётида Меърож туни тасвири билан боғлиқ барча лавҳаларда Умми Ҳоний номи ва Буроқ от кўп тилга олинади. Аънанга риоя қилган ҳолда, Навоий ҳам ўз дostonлари муқаддимасида Меърож оқшомига алоҳида бир боб бағишлаган ва уларда ҳам ҳайрат билан Буроқни тилга олган. Навоий боблар матнида ўз услуби билан минг йиллик йул унинг учун бир қадам бўлган Буроқни мар-каб, от, рахш, тавсан деб атаган ёки Буроққа нисбатан маркази ҳумоюнфол, рахши осмонпаймо, сабуксайри қудсийсиришт каби форсий изофаларни қўллаган ва лирик тасвирлар яратган.

Аслида, Навоий битган ушбу тасвирлар Меърож-номаларда гапирилган аънавий характерда бўлса ҳам, бироқ даҳо шоир дostonлар бобиде воқеани назмга солиб, ўқувчига бадий эстетик жиҳатдан таъсирли ва ибратли тарзда етказишни мақсад қилган. Матнда шоир ўз кўнглини шод этиб, Мухаммад(с.а.в.)ни чароғи оламафрўз деб тилга олган, ҳам мазмунан, ҳам шаклан мантиқан кучли қофиялар яратган. Улуғ шоир кеча, тун сўзлари ўрнида оқшом ёки уй сўзи ўрнида гўша каби сўзларни топиб қўллаган. Чунончи:

**Бу оқшом ул чароғи оламафрўз,
Ичинда васли шамъи ўтидин сўз.
Солиб бир гўшага партав ниҳоний,
Ким, айлаб мезбонлиғ Умми Ҳоний.**

“Лайли ва Мажнун”нинг Меърож шоми висолини талқин қилиб битган IV бобида Умми Ҳоний ҳақида шундай байтларни ўқиймиз ва унинг атоқли номи қофияда тушганидан воқиф бўламиз:

**Тун ўйлаки, меҳри осмоний,
Олам элидин бўлуб ниҳоний.
Бир хобгоҳи ниҳони ичра,
Манзилғаҳи Умми Ҳоний ичра.**

Ёки “Сабаъи сайёр”нинг “Ул мусофири баводий-паймо, балки ул рокиби самоватпаймо Меърожи кечасининг таърифимиз...” номли IV боби аввалида Меърожга туннинг ўзи қандай тайёргарлик кўргани ҳақида тўлқинланиб таъсирли байтлар битган:

**Дуд йўқ, уду мушк била бўҳур,
Тун димоғи иси билан масдур.
Чарх мижмар ёйиб бу дуд узра,
Атри мушқу бўҳур уд узра,
Чархи атласки бу рибҳ топиб,
Атласин бўйла мижмар узра ёйиб.**


Навоий бу нури оқшомда Мухаммад(с.а.в.)нинг ботиний ва зоҳирий ҳолатини ҳаяжон билан “Кўнгли уйғоғу кўзи уйқуда” деб тасвирлаган:

**Бўйла тун маҳи мунири жаҳон,
Умми Ҳоний уйда эрди ниҳон.
Даҳр шўру шаридин осуда,
Кўнгли уйғоғу кўзи уйқуда.**

“Сабаъи сайёр”да айтилган Меърож туни воқеаларининг тасвир баёни “Ҳамса”нинг бошқа дostonларига нисбатан анча батафсил. Улуғ шоир талмеҳ санъати билан Мухаммад(с.а.в.)нинг золимлар зулми ва душманлар макри, фитнасида қочиб аммаси уйда яширинганини ҳам айтишга ҳаракат қилган.

“Садди Искандарий”нинг ҳам “Меърож” шабистони тараннум қилинган IV бобида Навоий бизни Умми Ҳоний ҳужрасига бошлайди. Чунончи:

**Бу янглиг кеча ул чирроғи сипехр,
Юзи тоза гулбарги боғи сипехр.
Кўёшдек улусдин ниҳоний бўлиб,
Ери ҳужраи Умми Ҳоний бўлиб.**



Умми Ҳоний ёдга олинган яна бир адабий манба — адиб Бурҳониддин Рабғузийнинг “Қисаси Рабғузий” асарида муаллиф Меърож воқеасига батафсил тўхталган. Умуман, органишимизга қўра, Умми Ҳоний ҳақидаги лавҳаларнинг энг батафсили Рабғузий асари ҳисобланар экан. Биринчидан, у Умми Ҳоний ҳақида асарда учта насрий лавҳа битган. Иккинчидан, Рабғузий асарда сўз билан Умми Ҳонийнинг бадий портретини ҳам қизиб беришга ҳаракат қилган. Учунчидан эса, асарда Умми Ҳонийни Меърож кечаси ҳақидаги воқеага ғувоҳликка ўтган саҳобалар қаторида саҳоба аёл сифатида ҳам таништирган.

Рабғузий тасвирига қўра Мухаммад (с.а.в.) душманлар зиёнидан, кофирлар зулмидан паноҳ излаб, кўпинча аммалари Умму Ҳоний уйига келар экан. Расули акрам баъзан толиққанида уй ичкарасида дам олар, баъзан эса умматлари манфаати, авфи, истиқболи учун узок ибодат қилар экан. Ҳатто адиб Рабғузийнинг ёзишича, гоҳида оч келиб ҳам, аммаси хонадониде тановул қилар экан. Юқорида биз санаб қўрсатган мазкур таъриф, маълумотлар шунинг асосида, Умми Ҳоний ўз даврининг, умуман, ислом оламининг жуда олижаноб, фикри теран, саҳий, қўрқмас, жасоратли, матонатли саҳоба аёл тимсоли экан. Шунинг учун Мухаммад (с.а.в.) Меърождек табарруқ кечада унинг уйдан Оллоҳнинг ҳузурига чиққан ва яна аммаси гўшасига қайтган.

Таҳлил ва талқинимизда узилиш бўлмаслиги учун Бурҳониддин Рабғузийнинг “Қисаси Рабғузий” асарида битилган воқеалар тасвири, биринчидан, тўлиқроқ беришни, иккинчидан эса Рабғузий қисаси тилини эслатишни мақсад қилдик. Воқеа қуйидагича: “...Тамом савобларин Мухаммад умматларига бағишлаюрлар. Яна бир қавлда ул турур. Қачон Хадича вафоти бўлди эрса, разияллоҳу анҳо, араб кофирлари Расул алайҳис-саломга адоват ва ҳасад зоҳир қилдилар. Абу Толиб тирик эркинча кофирларни дафъ қилур эрди. Абу Толиб вафот бўлди эрса, Абу Жаҳл, Атаба ва Шайба ва тақи узга кофир-

лар эмгату бошладилар. Қаттиғ эмганди, бўлушқан топмади, мунлағалу ер топмади. Охшом ўғуринда аммаси Умми Ҳоний уйига келди, эшик қокти. Умма Ҳоний ўтру чикти, оғирлади. Уйига тегурди, ош-бўғуз келтурди. Расул алайҳис-салом айди: “Эй амма, ош егу яроғим қолмади. Кофирлар жафосидин жонга еттим, уйни холи қилғил. Бу кеча розим, ниёзимни бениёз Маликнинг ҳазратига ўтунайин”, теди. Умма Ҳоний уйни холи қилди. Расул алайҳис-салом на-мозга турди. Умма Ҳоний айди: “Уюм холи, Макка тўла душман. Керакмаским, Мухаммадга қасд қилсалар. Бу кеча жонимни фидо қилайин”, деб эранлартек қилич олиб уй теграсинда Мухаммадни сақлаю бошлади. Уйқуга эрклик бўлган фариштага ёрлиғ бўлди: Олам халқини уйқуга солғил. Барчани уютти. Умми Ҳоний қолди. ЁРЛИҒ бўлди: Умми Ҳонийни уютғил. Умми Ҳоний қилчичи олиб ура турурда бошин томга қўюб уюди. ЁРЛИҒ бўлди: Эй Жаброил, бу кеча Мухаммаднинг уйинқаси қолмади. Дунёда ёлғуз турур. Борғил, ани қурб мақоминга келтурғил, кўтлўқ қадами Аршга тегсун. Розин тинглайин, ҳожа-тин раво қилайин, тилақларин берайин. Жаброил ет-миш минг фаришта бирла келди. Тож ва Буроқ кел-турди. Минг эъзоз бирла кўкка ошурди. Умми Ҳоний уйғонди. Ла ҳавла ва ла қуввата илла би-Алаҳил алиййил-азим калимасин айту эшикка келди. Тинг-лади, ул эшитмади. Расул алайҳиссаломни тилади, топмади. Ташқа чиқиб фарёд қилурда ун эшитти: Эй заъифа, ун қилмағил, узунгни эмгатмағил, сен тила-ган ким эрса Сидрат ул-Мунтаҳодин кечти”.

Подшоҳ ва шоир Бобур “Мубаййин” асарининг “Меърож сифатига ишорат” номли фаслида ҳам Умми Ҳоний ҳақида таъсирли хабар ёзган. Аммо Бобур ўз асарининг бош мавзу ва мундарижасидан келиб чиқиб, бу ҳақда бироз кенгроқ маълумот беришга ҳаракат қилган:

**Бир кеча турнинг иноятинин,
Фазл ила лутфи бениҳоятинин.
Умми Ҳоний уйда эрди Расул,
Жабрайил осмондин этти нузул.**


Бобур Мухаммад(с.а.в.)нинг завқ билан яна аммаси истиқоли хусусида ҳам фаслда ҳайрат ва мароқ билан ёзган:

**Келди андин чу завқ бирла бери,
Совумайдур эди хануз ери.**

Умми Ҳоний ҳақида Алишер Навоий, Рабғузий, Бобур юксак маҳорат билан ёзган назмий ва насрий усулдаги муштарак тасвир ва тарихий тавсифлари таҳсинга лойиқ. Уларнинг ислом оламида ислом ишига фидойилиги, садоқати билан машҳур бўлган бу саҳоба аёл ҳақида мароқ, завқ билан тасвир ёки маълумот ёзиб қолдиришлари ўз замони ҳамда бизнинг давримиз учун жуда катта дидактик аҳами-ятга эга. Мазкур муштарак адабий тасвир, лавҳалар уларни ўқиган ҳар бир китобхон кўнглига ҳалимлик бахш этади. Олам аҳлини меҳр-мурувватга чорлаш билан бирга ислом дини тарихи ва ўлмас қадриятла-рига ошно қилади.

**Буробия РАЖАБОВА,
ЎзФА Ўзбек тили, адабиёти ва
фольклор институти етакчи илмий ходими,
филология фанлари номзоди**

ЯНГИ КИТОБЛАР



ЧЎЛПОН
Шеърлар (1-жилд)
“Кеча ва кундуз” (2-жилд)
“Akademi-nashr”
нашриёти,
2021.

Буюк адиб Чўлпоннинг ушбу шеърый тўплами-га шоир ҳаётлик пайтида чоп этилган тўпламлар ва даврий нашрларда эълон қилинган шеърлари-дан сайлаб таркиб берилган. Шоир тилининг бе-такрорлиги ва давр таъмини бериб турган айрим ўринлар аслича қолганини ҳам таъкидлаш жоиз.

“Кеча ва кундуз” романи илк бор 1936 йили чоп этилган эди. Ушбу нашр адабиётшунос олим Д.Қуროнов томонидан ана шу илк нашрга мослаб тайёрлангани билан диққатга сазовор.



Эврил ТУРОН
“Ойнуыр”
“Akademi-nashr”
нашриёти,
2021.

Ўсмир болакайнинг ойдек суянчиги, болалик хотиралари қатидеги қадрдони — геолог қиз Ойнуыр билан ўтган кунлари тасвирланган ушбу асарда замона носозликлари, нопоқ кимсалар қилмиш-лари рўй-рост қаламга олинган.

“Ойнуыр”да бир қизининггина қисмати, ёзуғи, дарди эмас, балки миллат, жамият, халқ кўргили-ғи — фожеаси ҳақида ҳикоя қилинади.



Сомерсет МОЗМ
“Ёмғир”
“Akademi-nashr”
нашриёти,
2021.

Жаҳон адабиётининг мумтоз намоёндаларидан бири Сомерсет Мозм реализтик ҳикояларнинг моҳир устаси сифатида кенг шuhrат қозонган. Бу ҳикоялар-да ёзувчи китобхонни инсон рўҳиятининг мураккаб дунёсига олиб қиради, ҳаётга янгича назар билан — ҳам кўнониб, ҳам қулиб қарашга ундайди.

Ҳикояларни инглиз тилидан Алишер Отабоев таржима қилган.

МУХАММАС – МУЛОҚОТ МАЙДОНИ

Сон, маълумки, математик тушунча, у нарс-ҳодисалар саноғини кўрсатадиган воситагина бўлмай, ҳодиса-га бевосита таъсир ўтказувчи тинимсиз ҳаракатдаги куч ҳам. Қадимги юнон донишманди Пифагор оламдаги барча нарс-ҳодисалар сонлар ва улар орасидаги муносабатда аниқланади, дея ишонган. Унинг “Ҳамма нарс-сондир” деган ҳикматли сўзи ҳамон ҳаракатда. Ҳазрат Навоий машҳур рубоийсида “Сондин сени кўп севаермен, эй умри азиз” дея умрга муружаат қилар экан, бундаги “сон” нимани англатиши ҳақида узоқ бош қотириш мумкин. Сон вужудга эга бўлиши ва нарс-ҳодисаларга яратувчи куч, демиург сифатида таъсир ўт-казиши кўплаб ҳаётий мисолларда ўз исботини топади. Миқдор (яъни сон) ўзгариши сифат ўзгаришига олиб келиши ҳақидаги умумфалсафий қонун ҳам ушбу фикрнинг давомидир.

Мумтоз адабиётимиздаги ҳам шеърый шакл, ҳам адабий жанр бўлган мухаммас (луғавий маъноси бешлик) ўз тасви-лишига қўра сонга қурилган жанр бўлиб, бежиз муайян сон билан аталмайди. Бинобарин, мухаммаснинг тахмис турида ҳар бир банддаги дастлабки уч мисра мухаммас боғловчиники, кейин келадиган икки мисра эса бадал муаллифиники бўлади. Бунда ғазалининг умумий рўзи, ғазалий гоёяси, вазн ва қофия сақланади. Шундан келиб чиқиб, мухаммас 2 ва 3 сонининг бириктиши ва ўзаро муносабатидан вужудга келади, дейиш мумкин. Мухаммас, ташбиҳ билан айтганда, икки мисра устига мутаносиб тарзда қурилиб, уч мисрага юксалган ғўзал поэтик иморатдир.

Мазкур уч мисра ғазал замиридаги билқувва маъноларни очмади, тўлдирмади, муайян ўринларда баҳсга қиришади ҳам. Демак, 1 асос, 3 болохона, биргаликда ғазалга янгича рух ва шуқуҳ берувчи бешлик бандлар мажмуи, мухаммас вужуд-га келади. Рус адабиётшуноси М.Бахтин ёзади: “Бир маъно бошқа, бегона маъно билан учрашиб, тўқнашиб ўз теранлиги-ни намойён қилади: улар ўртасида гўё диалог бошланади...”. Мухаммас жанри айни шундай учрашув, мулоқот ва диалог майдонидир.

Мумтоз адибларимиз нафақат бошқа шоирлар, балки ўз ғазаллари ҳам мухаммас боғлашган. Масалан, ҳазрат Наво-ий “Не наво соз айлағай...” деб бошланувчи ғазалига “Оҳким, волиҳ мен ул сарви хиромондин жудо” деб бошланувчи му-хаммас боғлаган. Бинобарин, ғазал мақтасидаги фикр янада

аниқлашиб, чуқурлашиб, натижада шундай бешлик банд ҳосил бўлади:

**Ошикеким бўлғай ул бир шўхи гулрухсорсиз,
Ўйла бўлбўлдурки, қолмишдур гулу гулзорсиз,
Вой ул битилғайи, қолғай тирик дилдорсиз,
Бир иёсиз бедилқум эрди Навоий ёрсиз,
Бўлмасун, ё рабки, ҳаргиз банда султондин жудо.**

Тепадаги уч мисра асосдаги икки мисрага янги оҳанг, янги рух, кучайган ва бойган гоё олиб кирмоқдаки, байт чиройи-га чирой, балоғатига балоғат қўшилмоқда. Дилдорсиз, яъни Яратгансиз тириклик ўлимдан бешбадтар бўлиб, ундай кас-синиғ аҳволи вой эканлиги айни мухаммасда ўз ҳадди аъло-сига кўтарилмоқда — “Вой ул бедилқаким, қолғай тирик дил-дорсиз”.

Айтмоқ жоизки, мухаммасларнинг катта кўпчилиги ўзга шоирлар ғазалларига боғланган мухаммаслардир. Айнан шун-дай мухаммаслар майдонида турли хил маъноларнинг учрашу-ви, мулоқоти яққолроқ кўзга ташланади. Маълумки, донгдор шоиримиз Абдулла Орипов ижодининг дастлабки даврида ҳа-тор ғазаллар битган, улар орасида энг зўри халқимизнинг буюк хонандаси Муножат Йўлчиева маромига етказиб ашула қил-ган “Бул ажаб...” ғазалидир, шубҳасиз. “Туркистон мулкнинг шайхул-машойихидур” дея таърифлаган Хожа Аҳмад Яссавий қабрини зиёрат қилиш, ушбу таассурот асносида 1968 йилда

дунёга келган. Янги давр ғазалчилигининг гултожи бўлмиш ушбу асар менда кучли таассурот уйғотган, у асосида яратилган ашулани сел бўлиб тинлаган эдим. Бир кун келиб мени ғазал-га мухаммас бўлашга ундаган куч ҳам ўша ҳассос туйғулардан бўлса, ажабмас.

Ғазал билан унга қўшилган мисралар орасидаги робита ҳақида анча гапириш мумкин, лекин бу ноқамтарлик бўлар эди, албатта. Бироқ мухаммаснинг иккинчи бандидан ўрин олган икки мисрага тўхталмасам бўлмас. Банддаги илк мисра — “Кўз кўз учун кўзгу, тасвир этар ким кўзни” ҳақида. Бу образ қандай тугилди, билмадим, лекин у менга чуқур фикр бўлиб туюлди. Яъни одам юзма-юз бўлганда кўз кўзга тушади, икки кўз бир-бири учун кўзгу қабиدير. Лекин кўзни ҳеч бир му-саввир аслига мос (бу аслини ҳам ҳеч ким билмайди) тасвир-лай олмайди. Чунки мусаввир одам, ўзи яратиб, Кўзни эса Асл мусаввир (Аллоҳнинг ғўзал исмларидан бири Мусаввир) чизган, яратган. Шу бўлса кўзга тушганда унда акс этган тасвир мусаввир чизадиган кўз тасвирига нисбатан бирлам-чидир.

Ушбу банддаги учинчи мисра аввал “кўринг бу талотум, кечага қориб кундузни” тарзда эди. Бир кун Пайғамбаримиз ҳадисларида “Албатта ҳар бир нарсанинг қалби бордир. Қуръ-оннинг қалби “Ёсин” дир” дея шарафланган сурани ўқий туриб, шундай ояти қаримага диққатим қадалди: “Кеча ҳам улар учун (Бизнинг қудратимизни кўрсатиб турадиган) бир оятдир: Биз ундан кундузни ечиб олишимиз билан баноғох улар зулматда қолурлар” (37-оят). Энди англасам, ўзим билмаган ҳолда ушбу оятга яқинлашган, ундан руҳ-барака олган эканман. Хуллас, мисрадаги “кечага қориб кундузни” ибораси оятга мос ҳолда “кечадан ечиб кундузни” тарзда ўзгарди. Бу Яратганнинг бир неъматидир, деб ўйладим.

Хулласи қалом, мухаммас ушбуди.

АБДУЛЛА ОРИПОВ
ҒАЗАЛИГА МУХАММАС

**Қалби тириклар тирикдир, бор эмас барча борлар,
Ул азиз хордур десам ногаҳ узулғай торлар,
Асли насли паст каслар хордан қилурлар орлар,**

ОЛИМ ПОРТРЕТИ

Маълумки, рангтасвир санъатининг портрет жанрини ижод қилиш мўйқалам соҳибларидан катта масъулият, салоҳият ва меҳнатни талаб этади. Бинобарин, тарихий шахс ёки замондошимиз қиёфасини яратар экан, ижодкор бугунги кун ва келажак учун унинг бадиий сиймосини тарих кўзгусида муҳрлаб қолдиради. Алишер Навоий номидаги давлат адабиёт музейи экспозициясида намойиш этилиб, захираларда сақланаётган рассом Иқболжон Илҳомовнинг ўнлаб портретлари фикримизнинг далилидир.



Мусавирнинг портрет яратишдаги ижодий усулларида бири тасвирулаётган қахрамонни рангтасвир композициясида ўрта планга жойлаштиришдир. Бунда томошабин асар сюжетининг бошқа унсурлари билан бирга, инсон суратини кенг қамровда идрок этиш, эстетик завқ олиш имкониятига эга бўлади. Тасвирулаётган шахснинг чеҳраси, нигоҳи, гавдасининг ҳолати, қўллар ҳаракати, кийим-боши, ташқи кўриниши суратидан сийратига кириб боришда муҳим бадиий-тасвирий омиллардан ҳисобланади. Хусусан, юқорида қайд этилган ҳолатлар таниқли адабиётшунос олим, профессор, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси академиги Наим Каримов портретида яққол намоён бўлади.

Тасвирда китоб мутолааси ва мушоҳадаси, тафаккур лаҳзаси кўрсатилган. Олимнинг нигоҳи хиёлгина куйига қаратилган, чеҳрасида теранлик, ҳис-ҳаяжон ва ўйлар уммони мўжассам. Эғида оқ, енглари калта кўйлак, бўйнида зангори-жигарранг, қизил чизикли галстук. Унинг чап қўлида кўрсаткич ва ўрта бармоқлари билан ушлаб турган қора гардишли кўзойнак ва ижодкор олим меҳнатининг маҳсули бўлмиш китоб. Тасвирнинг орқа планида кўп қаторли китоб жавони тасвируланган. Жавонга ранг-баранг муқовали китоблар тахланган, яъни ижодкор бир умр ошно бўлган илҳом ва билимлар манбаи, унинг ва ўзга муаллифларнинг фидокорона меҳнатлари самараси кўрсатилган.

Муҳими шундаки, ушбу портрет муҳлислар кўз унгида академик Наим Каримовнинг инсон ва ижодкор сифатидаги қиёфасини намоён этади.

Бахтиёр ТОИРОВ,

Алишер Навоий номидаги давлат адабиёт музейи илмий ходими

Давоми, бошланиши 1-саҳифада

Баҳромбек Давлатшоев отаси сургунга учрагач, онасининг хатти-ҳаракати билан ибтидоий рус мактабиде ўқиган. Ўқишни битиргач, турли кишиларнинг қўлида мирозили, таржимонлик вазифаларида ишлаган. Оилада бош фарзанд бўлгани учун рўзгорни тебратиш унинг зиммасига тушган. Шу аснода меҳнатқашлиги, илмга чанқоқлиги туфайли рус ўрта мактабларидан бирига тезкор имтиҳон топириб, ўрта маълумотли деган шаходатнома олган. Шоир Нейматулло Мухтарамнинг сўзи ва келтирган мисолга кўра, Баҳромбек форсчани яхши билган ва форс тилида шеърлар ёзган. Астрономияга қизиққан, ер ва юлдузлар ҳаракатини ўрганган. Амир Абдулахадхонга рус тилидан ва форсчага таржимонлик қилган.

Чоржўй бегининг қўл остида таржимонлик билан шуғулланган ва у ерда ишловчи бир кишининг ёрдамида Бухоро амирининг қўшбеги ҳузурида ишлаш учун жалб қилинган. Қўшбеги Баҳром Давлатшоевнинг ишбилармонлиги, ўз вазифасини сидқидилдан бажаришини кузатиб, уни 1898 йилда амир Абдулахадхон девонига ишга ўтказган. Амир қоровулбеги унвони билан тақдирлагач, исмига “бек” сифатини қўшиб, элга Баҳромбек-Таржимон номи билан танилган. Атоқли давлат ва жамоат арбоби Маҳмудхўжа Бехбўдиди “Ул зоти анвар амира Бухоро ҳазратларининг ҳузури ҳумоюн русча таржимони мухтарам Баҳромбек қоровулбеги жаноблари...”, деб Баҳромбек Давлатшоевнинг қоровулбеги унвонида таржимонлик қилганини тасдиқлайди. У Амир Абдулахадхоннинг Петербургда сафари чоғида император ҳузурида таржимонлик қилган.

Баҳромбек 1898 йилдан 1916 йилгача амирлик девонига таржимонлик вазифасини бажарган. 1918 йил Ф. Колесов босқини даврида шўрога қарши ташвиқот олиб борган. Ушбу воқеадан сўнг, унинг ўз сўзига кўра, амирлик томонидан “Ёш бухороликлар” ҳаракати билан алоқадорликда гумон қилинган. Шу сабабли Бухоронинг тоғли кишлоқларидан бирида махфий яшаб, имомлик билан шуғулланган.

1920 йил инқилобидан сўнг Файзулла Хўжаев ҳукуматида дастлаб терговчи, сўнг ҳукумат идораларида турли вазифаларда ишлаган. Фитрат, Мусо Саиджонова ва бошқа Бухоро Халқ Республикасининг давлат арбоблари РСФСР ҳукумати талаби билан ўз вазифаларидан мажбурий четлаштирилгани каби, Б. Давлатшоев ҳам совет ҳокимиятига қарши киши сифатида айбланиб, қамоққа олинган. Қамоқдан қутилгач (1923), Каттақўрғон шаҳрига қўчиб келиб ота ҳовлисиде яшаб, шаҳар молия бўлимида ишлаган.

Каттақўрғон ҳукумати Б. Давлатшоевни Колесов воқеаларига қаршилиқ кўрсатишда айблаб, тўққиз ойга барча сиёсий ва ижтимоий ҳуқуқларидан маҳрум қилган. Муддат тугаб, жазодан қутулгач, Файзулла Хўжаевга мурожаат қилиб, ноҳақ тортиб олинган ҳовли-жойларини қайтариб олган. Аммо шўролар ҳукумати ва ЧК олиб бораётган сиёсатни қўриб, буржуйликда айбланмаслик учун бир ҳовлисини ўз хоҳи-

ши билан халқ маориф шўъбасининг ихтиёрига топширган ва шўролар ҳукуматининг турли идораларида таржимон ва бошқа вазифаларда ишлаган. Аммо ҳар нарсадан шубҳаланадиган, ҳар кишидан шўро душмани ясайдиган ОГПУ — бирлашган давлат сиёсий бошқармаси Баҳромбек-Таржимон Давлатшоевни шўро ҳукуматиға қарши ташвиқот олиб боришда айблаб, 1929 йил 5 ноябрда қамоққа олади.

Қамоққа олиш даврида Баҳромбек-Таржимоннинг икки жилд қўлезма асарлари, 98 дон турли ёзишмалари, икки дон фото, бир дон кундалик, иккита ёндафтарча, бир уй тўла кутубхонаси, ўзининг 1910 йилда чоп этилган “Миллий ашъори Таржимон” шеърый тўплами, амир Олимхоннинг сарой ҳаётига оид 1925 йилда ёзилган “Мустабиднинг ҳайкали ва фахш ўчоғи” номли асари, амир Абдулахадхон бир аёл туфайли икки мулозимнинг тақдирини ноҳақ синдириганига бағишланган “Икки тақдир” сарлавҳали тугалланмаган романи мусодара қилинган. ОГПУ терговчилари томонидан 1929 йил 5 ноябрь ва 1930 йил 23 апрель ораллиғида олиб

эълон қилади. Мулла Олим Қосимов, каттақўрғонлик Мирзо Шариф маҳзум Мулло Абдулмўмин муфти ўғли, Мирза Умар Раҳматуллаев кабиларнинг мақолалари босилади. Ушбу мақолаларда мадраса ва мактаб ислохоти ҳақида бир оғиз сўз йўқ. Мақола муаллифлари Баҳромбек Давлатшоевнинг шахсиятига теғувчи ўта ахлоқсиз сўзларни ёзиб, мударрислар ва қозиларни ҳимоя қилишган. Аммо муаллиф Мирза Умар Раҳматуллаев “Каттақўрғондан мактуб” сарлавҳали мақоласининг иккинчи қисмида Каттақўрғоннинг Янги қўрғон ва Хитой маззеларидаги қозилар, хусусан, Мулла Абдулқоим Мулло Иброҳим ўғлининг кирди-қорларини фош этади. Қозиларнинг порахўрлиги ва ноҳўя ҳаракатларини ошкор қилиб, Баҳромбек-Таржимоннинг фикрларини тасдиқлаб қўяди. Газета муҳарири вазиятни юмшатиш учун мақолани қисқартириш билан чекланмай, қуйидагича фикр билдиради: “Ушбу хабарни газетага ёздук. Лекин ёзилган хабарни орасида, гарчанд рост бўлса ҳам, чандони ақл бовар қилмайдургон қози ва муллолар хусусидаги сўзларни газетага солмай қолдурдук. Ҳар қандай фахш сўзлар-

гофил залолатли. Ҳунарсиз, илмсиз, номуссиз, нодон жаҳолатли, Кўриб минг хўрлик бир бўлмагон ондин хижолатли...

... Бизи миллат эмасму ибтидо дунёни нурлатган! Ҳама гафлатнинг уйқусина ботқанларни уйғотган!

Ўтмишда буюк ишларни амалга оширган миллат нима учун бундай аҳволга тушди, деган савол шоирни қўйнайди, ўқувчини ўтмиш ва келажакка назар ташлашга мажбур этади. Шу боис порлоқ истикбол йўлини миллатнинг уйғониши, иттифоқлик, илму ҳунар тараққиётида куради ва шунга чорлайди. Ана шунинг учун ҳам Остроумовлар ва бошқалар томонидан ўз миллатнинг қамситилиб “сарт” дейилиши ва бу масалада “Ойна”, “Туркистон вилоятининг газети” да бошланган бахсларга яқун асагандек “Шўро” журналида “Туркистонлилар” мақоласини эълон қилади ва бир юз ўн бир турк уруғини номма-ном келтиради.

Туркистон ва бошқа жойларда чоп этилаётган нашрларнинг тил ва имло хусусияти ҳақидаги мақоласи ҳам эътиборга лойиқ. Баҳромбек Давлатшоев ўз она тили сўзларини тўғри ёзиш ва барча нашрларда бир имло қоида-сиға рийо қилишни тақлиф қилади. Яъни турк-ўзбек адабий тилини жорий этиш масаласини ўртага ташлайди.

Маърифатпарвар шоир ўз замондошларига хос фазилат билан миллатимиз маданияти, хусусан, классик адиблар фаолиятини ўрганишга қақиради. “Тароимий аҳвол” мақоласида Давлатшох бин Аълоиддавла бин Бахтшоҳ бин Арғуншоҳ Самарқандийнинг “Тазкирани Давлатшоҳий” асарининг ҳижрий 975 йилда Халилulloҳ бин Тоҳир томонидан қўйрилган нусхаси ҳақида сўзларкан, асарда тилга олинган “Малик-ул фузалло, Хўжа Фахриддин Аҳмад Мастуфий, шеър айтувда тахаллуси Авҳадий” ҳақида маълумот кам эканлиги ва бу шоирнинг таржимаи ҳолини тўлиқроқ ўрганишга чорлайди. Ўзи “Тарихи Байҳақий”дан фойдаланиб, Авҳадий ҳақида айрим маълумотларни келтириб ўтадики, бу унинг мумтоз адабиётининг ўзига хос тадқиқотчиси эканлигини кўрсатади. Унинг 1913 йилда “Шўро” журналида босилган “Туркистонлилар” мақоласи ҳам халқимиз ҳаётини ўрганишда муҳим илмий манбалардан бири, деб ўйлаймиз.

Афсуски, айрим муаллифларнинг таъкид ва мақолаларини ҳисобга олгандада собиқ мустабид қизил империя томонидан ноҳақ ҳукм қилинган адиб Баҳромбек-Таржимон ҳаёти ва фаолияти ҳақида илмий тадқиқот қўринмаётти. Адабиётшуносларимиз унинг асарларини излаб топиб, илмий ва кенг жамоатчиликка тақдим этсалар, маданиятимизнинг яна бир улуг сиймосининг номи тикланган бўлур эди.

Сирожиiddин АХМАД

Ўзбекистон Республикаси Маданият ва санъатни ривожлантириш жамғармаси томонидан ташкил этилган Халқаро театр фестивали Алишер Навоий номидаги катта академик опера ва балет театрида Санкт-Петербург давлат академик балет театрининг “Анна Каренина” ҳамда “Роден ва унинг абадий илоҳаси” балет-спектакллари билан яқунланди.

Мазкур спектакллар томошабинларнинг олқиши ва эътирофлашига сазовор бўлди. Хўш, Борис Эйфман раҳбарлигидаги Санкт-Петербург балет театри труппаси қайси жиҳатлари билан томошабинни лол қолдирди?

Бу саволга жавоб топиш учун дастлаб театр тарихига назар ташлаш жоиз. 1977 йил Борис Эйфман томонидан асос солинган ушбу театр труппаси дастлаб “Янги балет” номи билан аталган. Труппа ташкил бўлганидаёқ жамоа ўз олдиға хореографнинг муаллифлик, режиссёрлик театри, экспериментал лабораторияси бўлиши кераклигини асосий мақсад қилиб қўйган. Труппанинг “Жўровозлик” ва “Бумеранг” номли илк спектакллари томошабинларнинг олқишига сазовор бўлса ҳам, аънавий балет мактаби асосчилари бу асарларни тан олишмаган, Борис Эйфманнинг ижодий фаолиятига “хореография диссидент” тамғаси “ёпиштирилган”. Театршунослар эса Россия балет санъатида янги босқич пайдо бўлганини ўз мақолаларида эътироф этишган.

1970-йиллар охири 1980-йилларнинг бошида Борис Эйфман театр репертуарини ишлаб чиқишга ўзига хос ёндашиб, жаҳон адабиётининг классик асарлари асосида балет постановкалари саҳналаштиришга киришади. Шу тариқа “Телба”, “Фигаронинг уйланиши”, “Афсона”, “Ун иккинчи кеча”, “Уста ва Маргарита”, “Қотиллар” сингари асарларнинг хореографик тасвири балет-спектаклларда ўз ақсини топади.

Бугунги кунда Борис Эйфман балет театри Жанубий ва Шимолий Америка, Европа, Осиё, Австралидаги балет ихлосмандларига “Менким, Дон Кихот”, “Алвон Жизель”, “Рус Гамлети”, “Анна Каренина”, “Евгений Онегин”, “Роден ва унинг абадий илоҳаси”, “Реквием”, “Up end Down”, “Чайковский. PRO et CONTRA”, “Буқаламун таъсири”, “Мольер эҳтироси ёки Дон Жуан никоби” сингари спектакллари билан



ва ўтмиш ҳамда замонавийликнинг уйғунлашуви масалалари доим ўйлантириб келган ва спектакллариға ечим топишда мана шу жиҳатларга қатъий амал қилади. Балет устаси ўз спектаклларида инсониятни ўйлантираётган муаммоларни ҳаракатлар тили — пластикаға кўйради ва спектаклларининг жанрини “психологик балет” деб атайди. Унинг ягона мақсади ҳамма ўзи билан ўзи овора бўлиб, одамлар бир-бирларига нисбатан безъетибор, “диңдаси тош қотиб бораётган” даврда инсон қалбини асраб-авайлаш, ҳис-туйғуларини шовқин-суронларсиз, оҳишта, нафис ҳаракатлар орқали юксак даражада кўрсата

билишдир. “The New York Times” газетаси Борис Эйфмани дунё балетмейстерлари орасида етакчи деб топиб, “Балет олами дунё бўйича бош хореографни кидирмоқда, излашдан тўхтаса ҳам бўлади. У бор ва бу — Борис Эйфман”, деб ёзганди.

Лев Толстойнинг “Анна Каренина” асарини балет спектаклида намойиш қилиш хореографдан кенг дунёқарашни талаб қилади. Асар воқеалари сюжетини хореография чизмиға жойлаштириш, кетма-кетли-

стол, оромкурси ёруғлик эффектлари орқали воқеалардаги жараён ҳолатини ифода қилади. От пойгаси, вокзал, Каренинлар ва Вронский хонадонидеги воқеалар, маскарад, бал саҳна кўринишларидаги ранг-баранглик чироқ рампларидаги ёруғликда акс этган. Бу борада рассом-декоратор Зиновий Марголин, либеллар бўйича рас-сов Вячеслав Окунев, чироқ устаси Глеб Фильштынскилар тандеми маҳорат билан ишлагани яққол кўриниб турибди. Анна-

нинг изтироб чекиши, виждон азобидаги руҳий ҳолати, ўзини поезд остиға ташлаши кўринишларида труппа артистларининг рақс постановкаси, оёқларининг поезд рельслари шовқиниға хос ҳаракатланиши психологик балетнинг режиссёрлик ечими бўлган. Спектакль мобайнида урилган бонг (аввал балет спектакли ўртасида, сўнг охирида) томошабини ҳозир қандайдир воқеа рўй беришидан огоҳлантиргандек жаранглайди.

Борис Эйфманнинг ўзи “Анна Каренина” балетини саҳналаштириш жараёни ҳақида шундай дейди: “Анна Каренина” романи доим эътиборимни тортиб келган. Лев Толстойни мутолаа қилиш жараёнида қаҳрамонларнинг психологик ҳолати ва Россиядаги турмушнинг аксини муаллиф жуда аниқ ташушунлигига китобхон ишонч ҳосил қилади. Ёзувчи унда нафақат Аннанинг руҳиятини, балки қаҳрамон руҳиятидаги парчаланишни ҳам очиб берган. Хозирги кундаги бадиий адабиётда бундай эҳтирос, изтироб, метаморфоза, фантазмагорияларға дуч келинмайди. Буларнинг барчасини хореографик тафаккурим орқали юзаға келган балет-спектаклида кўрсатишға ҳаракат қилдим”.

“Роден ва унинг абадий илоҳаси” балети машҳур француз ҳайкалтароши Роден

ва унинг севгилиси Камилла Клоддининг ҳаёти ва муҳаббати, икки ижодкорнинг дастлаб ягона мақсадда бирлашиши, сўнг ижодий қизғаниш, рашк, муҳаббатнинг нафратға айланиши ҳақидаги балет-спектаклди. Унда Родени Игорь Шибирининг, Камилла Клоддини Виктория Мокроусова, Роза Берени Алина Петровскаялар ижро этишган. Роден учун илҳом париси бўлган Камиллада ҳам ҳайкалтарошлик қобилияти намоён бўлади. Бироқ Роден севимли шогирдининг ҳайкалтарош бўлишини истамай, унга тўқсинлик қилади. Камилла барча бахтсизликлари сабабчиси Роден деб билиб, изтироблари исканжасида ақлдан озади. Муҳаббат, нафрат, ҳиёнат, шон-шухрат учун севгини қурбон келтириши Борис Эйфман Марис Равел, Камил Сен-Санс, Жюль Масне мусиқалари орқали очиб берган. Айниқса, тошдан, мисдан ҳайкал яратиш жараёни ҳаракатлар билан яққол кўрсатилган. Тошға жон бахш этган машҳур ҳайкалтарош Роден уни илҳомлантирган илоҳаси Камилланинг юрагини тошға, ўзини эса жонсиз, онгсиз ҳайкалға айлантириб қўйганини балетмейстер томошабинга аниқ етказса олган. Эйфман томошабини кучли психологик ҳолатға, яъни “Қани энди бўғи нима булар экан?” деган хавотирға солиб қўяди. Хореограф инсон танасининг имкониятлари, ғулувчанлигидан унумли фойдаланиб, саҳнада Роденнинг бетакрор ҳайкал асарларини яратад олди. Томошабин қайси бир шакл асмама-ю қайси бири ҳақиқий, қайси бири инсонға қайси бири гипскартондан ясалган шакл эканини пайкамай қолди. Борис Эйфманни шу учун ҳам психопластика устаси, деса бўлади.

Юқорида фикр қўйрилган ҳар иккала психологик спектаклни кўрган томошабин қалби покланган томоша залини тарк этди. Зеро, театрининг пировард мақсади ҳам шу. Маданият ва санъатни ривожлантириш жамғармаси томонидан халқаро миқёсда дунё тан олган дурдона спектакллар ўзбек томошабини тақдим этилиши таҳсинға лойиқдир.

Нигора УМАРОВА

Янги фильм

«МУҲАББАТ БАҲОРИ»



Пойтахтимиздаги Киночалар уйида таниқли режиссёр Иброҳим Расулов суратға олган “Муҳаббат баҳори” фильми тақдироти бўлиб ўтди. Ўзбекистон Кинематография агентлиги буюртмасиға буюн суратға олинган мазкур фильм сценарийси Зулфия Қуролбой қизи ва Микозул Сулаймонов қаламиға мансуб.

Атоқли ижодкорлар — Ўзбекистон халқ шоири Зулфия ва таниқли шоир, жамоат арбоби Ҳамид Олимжоннинг бир-бириға муҳаббати, вафо ва садоқати, орзу-армонлари ҳикоя қилинган ушбу фильм оператори Талъат Мансуров. Ҳар икки қаҳрамоннинг ижодкор ва инсон сифатидаги қиёфалари экранда ишонарли акс эттирилган. Бу уринда, шубҳасиз, бош роллар ижрочилари Ҳамза Ҳасанов ва Шаҳноза Ҳожимуродованинг ижро маҳоратларини айтиб ўтиш уринли. Шунингдек, Шохиди Исмоилова, Меҳридин Раҳматов, Абдурайим Абдувахобов каби актёрлар ҳам ўзларига топширилган ролларни маҳорат билан ижро этишган.

— Очиги, ижодкорлар, айниқса, таниқли шахслар ҳақида фильм сурат олиш осон эмас. Зулфия ва Ҳамид Олимжон ана шундай шахслар сирасиға киради. Чунки уларни халқ яхши билади, ҳатто номлари юрти-миздан ташқарида ҳам маълум ва машҳур. Айнаи шунинг учун ҳам ижодий гуруҳимиз ишға жуда катта масъулият билан ёндашди. Премьера томошабин тула залда ўтгани бизни янада қувонтирди.

Бир неча йиллик изланишлар маҳсули бўлган “Муҳаббат баҳори” юртимиз экранларига йўл олди. Ижодкорларға янги ижодий омадлар тилаймиз.

Г.УМАРОВА

Тошкент Фотосуратлар уйида очилган "Танланган йул" номли кўргазма Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби, академик рассом Бахтиёр Назаров таваллудининг саксон йиллигига бағишланди. Экспозицияда муаллифнинг юзга яқин рангтасвир асари ҳамда кинофильмларга ишлаган эскизлари, қора-



ламалари намойиш этилмоқда. Рассом асарларида ифодали чиқиқларни, шиддатли ҳаёт манзараларини, матога кўчган қалб кечинмаларини кузатиш мумкин. Шунингдек, томошабинларга тарихий шахслар портретлари, аёллар сиймолари, сафарларда яратилган образ ва композициялар, кинематографияга тааллуқли асар ва эскизлар тақдим этилган. Бобур ва бобурийлар сулоласига бағишланган портретлар, шоирлар Нодирбеғим ва Зебуннисо, шунингдек, жасоратли Тумарис сиймоси юксак бадиийлиги билан ажрالیб

туради. Машҳур актриса Лутфихоним Саримсоқова портрети аёлнинг ҳақиқий мадҳиясига айланган, дейиш мумкин. Ижодий сафарлари давомида рассом Ҳиндистон, Хитой, Япония сингари давлатларда бўлиб, самарали ижод қилган. Бунда ҳам сеvimли образи — аёлларга эътиборини кўпроқ қаратган.

Рассомнинг кино санъатига бағишлаган асарлари алоҳида саҳифани ташкил этади. "Шум бола" ва "Машраб" кинофильмларига ишланган суратлар ва эскизлар, орадан неча йиллар ўтиб, яна томошабинларга тақдим этилди.

ТАСВИР ЙЎЛИ



Ўзбекистон Бадиий академиясининг "Академия" галереясида график рассом Александр Лининг

"Ижод йўли" деб номланган шахсий кўргазмани очилди.

Экспозициядан рассом фаолиятини акс эттирувчи ранг-баранг, турли жанрда чизилган асарлар ўрин ол-



ган. Жумладан, рассомнинг педагогик фаолиятини кенг ёритувчи ўқув расмлари ва акварелда чизган ишлари илк бор намойиш этилмоқда. "Эски шаҳар", "Оила" каби қатор асарлари меҳр-муҳаббат ва маҳорат маҳсулидир. Рассом ижод қилиш билан бирга, узоқ йиллар мобайнида ёш ижодкорларга тасвирий санъатда ўз йўли ва услубини топишга кўмаклашди.

Кўргазмадан рассом оила аъзоларининг ижод намуналари ҳам ўрин олган. Рассомнинг рафиқаси Галина Лининг тасвирий ва амалий санъатга доир асарлари ҳам томошабинларда катта таассурот қолдирди. Айниқса, қизи Татьяна Лининг ишларидаги турфа ранглар, ўзига хос манзаралар томошабинлар эътиборини тортди.

Сарвара ҚОСИМОВА

САНЪАТИМ – САОДАТИМ



ОҲАНГЛАРГА ОШУФТА ДИЛЛАР

Бекобод ихтисослаштирилган санъат мактабида Тошкент вилояти ва республика миқозининг турли ҳудудларидан жалб этил-

қаратилган кенг миқёсли тарғибот ва ташвиқот ишлари олиб боришмоқда. Жумладан, куни кеча санъат мактабининг йил якунларига бағишланган ўтказилган ҳисобот концерти янги иқтидорларни кашф этиш билан бирга, мактаб жамоасининг янгича изланишлар олиб бораётганини ҳам кўрсатди.

Йил давомида шаклланган, қайта-қайта сайқал берилган куй-қўшиқлар концерт жозибасини оширди. Ёш ва умидли дирижёр Азиз Мамараҳимов бошчилигида мактабнинг

ҳалқ чолғулари оркестри томонидан ижро этилган куйлар, Мавлуда Эралиева раҳбарлигидаги рақс ансамблининг жозибали чиқишлари, хор ва мақомчилар ансамблларининг дилтортар қўшиқлари, айниқса, Фурқат Ҳамрабоев раҳбарлигидаги дуторчи қизларнинг ижролари мароқ билан тингланди.

— Тажрибали устозлар меҳнати, тинимсиз изланишлар, соҳага профессионал ёндашув ҳеч қачон исзис кетмайди, — деди мактаб директори Ҳусниддин Шодматов. — Бугунги концерт дастуридан кўнглим тўлди. Муסיқа соҳасида катта тажрибага эга ходимларимиз санъатнинг ўзига хос нозик қирраларини шоғирдларига сингдиришга ҳаракат қилгани аққол сезилди.

Ашурали БОЙМУРОД

Ҳар жойда тартиб бўлгани яхши, чунки тартиб-қоида бўлмаса, иш юришмайди. Шу сабабли кўча-кўйда ўзимча тартиб ўрнатмоқчи бўламан. Лекин аввало тартиббузарнинг бўйи ва гавдасини кўздан кечираман. Акс ҳолда, панд еб қолиш мумкин-да.

Мана, кечагина автобусда кетаётиб худди шундай воқеа содир бўлди. Автобуснинг олдинги ўриндиғида ўтирган чиптачи киссасидан сигарета чиқариб, бамайлихотир тутата бошлади. Сигаретаси арзонидан шекилли, тутуни кўзимни ачиштириб, нафасим қайтди.

Унинг бўй-бастаи кўзимга ушоққина кўринди ва бирдан жаҳлим чиқиб кетди. Шунинг учун чўнтагимдан уйимнинг қалитини олиб, унинг ёнгинасига ёзиб қўйилган: "Илтимос, чекилмасин!" сўзларини. "Илтимос, чекил..син"га айлантириш учун "ма" бўғинини ўчира бошладим.

Чиптачи ҳайрон бўлиб: — Нима қиляпсиз? — деб сўради. — Биров сиздан "Нега чекаяпсиз?" деб сўрамаслиги учун "ма" бўғинини ўчираяпман, — дедим.

У ҳеч нарса демади, фақат оғзига тутунни тўлдириб туриб, бирдан юзимга пуфлаб юборди. Кўзим ёшга тўлиб, нафасим ҳиқилдоғимга келди. Лекин мен ҳам бўш келмадим, оёғимни даст кўтариб, оёғини қаттиқ босдим.

БАТАРТИБ КИШИ

Чиптачи оғриққа чидол-**ХАЖВИЯ** май ўрнидан салчиб турди. Ана шундагина қат-тиқ янглишганимни тушундим — чиптачи ўтиргани учун кўзимга кичкина кўринган экан, ўрнидан турганда боши автобус шифтига тегай деб қолди.

Қилмишимдан афсус чекиб, ёқамни тутмоқчи бўлдим. Лекин энди кеч бўлганди. Чиптачининг ўзи ёқамдан тутиб, тумшугининг тагига тортди-да, оёғимни ердан узиб олиб, юқорига кўтариб дўқлай бошлади. Яхшики, автобус лиқ тўла одам экан, бўлмаса бошимни уриб автобус томини тешарди.

Нима қилишимни билмай, бошимни эгиб: — Э, катта ака, бу сизмидингиз? Қаран-а, сизни танимабман, бой бўларкансиз, — дедим худди эски танишини учратиб қолгандай. Яна нимадир дейишимни кутиб турган чиптачи, мени ташлаб юборди.

Шу пайт автобус навбатдаги бекатга етиб келиб, кескин тўхтади-да, эшикларини ланг очди. Мен пайт пойлаб туриб, эшик томонга суқилиб ўтиб, автобусдан отилиб чиқдим. Чиптачи эса, менга хўмрайиб қаради-ю, жойидан қимирлашга эринди.

Автобусдан тушиб олган, жон-жаҳдим билан автобуснинг орқа филдирагини икки марта қаттиқ тепдим-да, ҳумордан чиқдим. Сўнгра чиптачи қувиб қолмасидан жуфтакни ростладим.

Қанча юргганимни билмайман, лекин уйга етиб келганимда нафасим бўғзимга тикилиб қолган эди. Қочаётганимда билинмаган оёқ оғриғи уйда авжига чиқди. Нима қилишимни билмай, чақалоқнинг илиққина памперсини оёғимнинг лат еган жойига боғладим.

Ҳа, ҳамиша шундай, кўча-кўйда ўзимча тартиб ўрнатмоқчи бўламану панд еб қоламан. Бу гал ҳатто оёғим лат еди.

Лекин... мен ҳам автобусининг филдирагига боллаб тепдим-ку!..

Мухсин ҒАНИЕВ

ШОИРНИНГ БОҒИДАН ФОТОРЕПОРТАЖ



Шоир фақат шеър ёзишни эмас, боғ яратишни ҳам билади. Таниқли шоир Аҳрор Байзо Сирдарё вилояти, Боёвут туманидаги ўзи туғилиб ўсган Мингтерак қишлоғида яратган боғни кўриб (фотосуратда), шубҳасиз, бу фикрга сиз ҳам қўшилиасиз, деб ўйлаймиз.

ЁШ ИСТЕЪДОДЛАР ТАНЛОВИ



Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни муносабати билан Ўзбекистон Композиторлар ва бастакорлари уюшмаси Маданият, спорт ва туризм ходимлари касба уюшмаси Республика Кенгаши билан ҳамкорликда болалар муסיқа ижодкорларининг "Қалдирғоч" деб номланган биринчи танловини ўтказди.

Танловда республика миқозининг турли ҳудудларидан муסיқа ва санъат мактаблари, коллеж ва лицейларнинг саккиз ёшдан ўн саккиз ёшгача бўлган 25га яқин ўқувчилари ўз ижод намуналари билан иштирок этишди.

Ҳайъат қарорига кўра, кичик гуруҳда (8-11 ёш) В.Успенский номидаги муסיқа мактаби ўқувчиси Закия Мусаева, ўрта гуруҳда (12-15 ёш) Миллий гвардия ҳарбий муסיқа академик лицейи ўқувчиси Беҳзод Шарипов, катта гуруҳда (16-18) Самарқанд ихтисослаштирилган санъат мактаби ўқувчиси Моҳинур Одилова биринчи ўринни эгалладилар.

Худди шундай гуруҳлар бўйича Нуридод Мусаева, Умидхўжа Нуруллаев, Акмалхўжа Абсаматов, Юлдуз Хўжаева, Аҳрор Ҳалимов иккинчи, Диана Тишинская, Екатерина Аманова, Ёқубжон Маҳкамбоев, Озодбахт Худойбердиев, Малика Нуралиева учинчи ўринга сазовор бўлдилар.

"Қалдирғоч" танлови ғолибларини тақдирлаш маросими ва гала-концерт Композитор ва бастакорлар уюшмасининг концерт залида бўлиб ўтди. Тадбир иштирокчилари учун пойтахтимиз бўйлаб саёҳат ташкил этилди. Болалар байрами арафасида ўтказилган ушбу тадбир қатнашчилар учун ҳақиқий байрамга айланди.



O'zbekiston adabiyoti va san'ati

Манзилимиз: Тошкент - 100083, Матбуотчилар кўчаси, 32.
Электрон почта манзили: uzas.gzt@mail.ru



Муассис:
ЎЗБЕКИСТОН
ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ

Ҳамқоримиз:



Бош
муҳаррир

Салим
АШУР

Тахририятга келган кўўғазмалар таҳсил этилмайди ва муаллифларга қайтаришмайди. Муаллифлар фикри тахририят нуктаи назаридан фарқланиши мумкин.

Масъул котиб: Асрор СУЛАЙМОНОВ
Навбатчи муҳаррир: Шухрат АЗИЗОВ
Саҳифаловчи: Нигора ТОШЕВА

Газета 2014 йил 26 ноябрда Ўзбекистон Республикаси Президентини Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида томонидан 0283 рақам билан рўйхатга олинган.
Адади - 1115. Буюртма Г - 644.
Ҳажми - 3 босма табак, А - 2.
Нашр кўрсаткичи - 222.
Ташкилотлар учун - 223, 1 2 3 4 5 6

«Шарк»
нашриёт-матбаа
акциядорлик компанияси
босмахонаси.
Босмахона манзили:
Буюк Турон кўчаси,
41-уй.

Босишга топшириш вақти - 21.00.
Босишга топширилди - 21.35.

ЖУМА КУНЛАРИ
ЧИКАДИ

Сотувда нархи эркин.



ISSN 2181-614X

